

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ

«Ижтимоий фалсафа ва миллий ғоя» кафедраси

Малакавий битирув иши

**Мавзу: Мафкуравий хавфсизлик – ижтимоий-сиёсий барқарорлик
омили**

Кафедра тавсия этади

баённома №

Бажарди: 4-курс талабаси Махмудов Камолиддин

Илмий раҳбар: ф.ф.д. проф., акад. С. Шермухамедов

Рухсат берилди:

Тошкент-2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

I БОБ. МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....

1.1. “Мафкуравий хавфсизлик” ва “барқарорлик” тушунчаларининг мазмун-моҳияти.....

1.2. Мафкуравий хавфсизликнинг тузилмаси.....

1.3. Мафкуравий хавфсизликнинг функциялари.....

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИГИ МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ МАҲСУЛИ.....

2.1. Ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда давлат, нодавлат институтларининг роли.....

2.2. Ижтимоий-сиёсий барқарорлик – миллий тараққиёт мезони.....

2.3. Мафкуравий хавфсизликни таъминлаш ислохотлар самарадорлиги омили.....

ХУЛОСА.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик туфайли мамлакатимиз ўз олдига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, демократик жамият қуриш каби эзгу мақсадларни қўйди. Бу эса келажагимизни яққол тасаввур этиш, жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёт мафкуралар тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш, ғоявий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик ва ниҳоят, мамлакатимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий ғояни шакллантириш эҳтиёжини юзага келтирди. Мафкуравий хавфсизликнинг таъминланиши миллий манфаатларни тўғри белгилашга ва ўз навбатида ватанпарвар ёш авлоднинг шаклланишига хизмат қилади.

Шу маънода, ҳаёт Юртбошимизнинг “Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар»¹, деган фикрининг нақадар тўғри эканини исботлади. Ушбу яхлит таълимотнинг назарий манбаларини ўрганишда Президентимизнинг истиқлолнинг илк йилларидаёқ чоп этилган асарлари муҳим аҳамият касб этади. Бу борада, айниқса, **“Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин”**, **“Миллий мафкура - давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи”**, **“Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир”** каби фундаментал назарий асосларга эга маърузаларида мафкуравий хавфсизлик масаласига катта эътибор берилган. Жумладан, давлатимиз раҳбари мазкур асарда бугунги кунда ҳам халқни яқдил қила оладиган ишлар ва ғоялар оз эмаслиги, уларнинг ичида энг улуғи, энг олижаноби — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш эканини алоҳида таъкидлайди. Ушбу фикрнинг давомида “Мафкура ҳукмрон

¹ Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 843-бет.

бўлган жойда тенглик ва адолат бўлмайди. Биз буни ўтмишдаги аччиқ тажрибамиздан жуда яхши биламиз”², деган тарих ҳақиқати ўз ифодасини топган.

Президент Ислом Каримов томонидан Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида мафкуравий хавфсизликни таъминлаш масаласи юртимизда ва жаҳонда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, янги фикр ва қарашлар билан бойитилди. Дунёдаги айрим сиёсий – мафкуравий кучлар томонидан зўр бериб ёйишга уринилаётган «демократияни олға силжитиш», «демократиянинг универсал модели», «рангли инқилоб», «информацион хуруж» каби тушунчаларнинг моҳияти ҳар томонлама кўрсатиб, Ўзбекистоннинг бу масалаларга муносабати Ислом Каримовнинг юқоридаги асарларида ёритиб берилган. Ана шу методологик манбалар асосида олимларимиз томонидан кўплаб асарлар чоп этилган бўлса-да, Ўзбекистоннинг демократик тараққиёт йўлида мафкураий хавфсизликни комплекс ўрганган фалсафий тадқиқот ҳали етарли эмас.

Бугун жамиятимиз бозор муносабатларини чуқурлаштириш асосида ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий соҳаларни, нодавлат секторни, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институтлари фаолиятини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш борасида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда, мамлакатимиз сифат жиҳатидан янги тараққиёт босқичига қадам қўймоқда. Бу давр Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, ўз халқининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга интилаётган бошқа давлатлар қатори ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб давр ўртага қўяётган талаб ва саволларга тўлиқ жавоб берадиган, аниқ ва равшан, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегия ва ҳаракат дастурига эга бўлиши зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу стратегия авваламбор

² Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. - 14-бет

тажрибада ўзини оқлаган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, ижтимоий ўзгаришларни чуқурлаштириш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, тинчликсевар ташқи сиёсат юритиш ва жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашишига қаратилган йўлимизни бундан буён ҳам изчил давом эттиришни таъминлаши даркор»³. Ана шундай тараққиёт стратегиясининг асосий устувор йўналишларни ўрганишда ушбу тадқиқот муҳим аҳамият касб этади.

Шуни назарда тутадиган бўлсак, мустақиллик шароитида Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлик сиёсати, унинг таркибида мафкуравий хавфсизлик масаласининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш энг долзарб вазифалардан биридир. Унинг долзарблиги фикримизча:

Биринчидан, бугунги кунда тобора ривожланиббораётган мафкураий сиёсат майдонида муҳим омилни ташкил этувчи мафкуравий хавфсизлик тушунчасининг таҳлил қилиш ва уни миллий тараққиётимизда тутган ўрнини аниқлаб олиш билан боғлиқдир;

Иккинчидан, мафкуравий хавфсизлик масаласи нафақат жамият ҳаётида, балки, халқаро миқёсидаги энг муҳим тушунчаларидан бири сифатида намоён бўлмоқда;

Учинчидан, мамлакатимиз мустақил тараққиётининг тарихий тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, глобал мафкураий полигонда миллатларнинг йўқ бўлиб кетиш хавфи пайдо бўлар экан, бундай халқаро интеграция жараёнидаги мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг ўрнини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга;

Тўртинчидан, миллий тараққиёт ва миллий ҳавфсизлигини таъминлаш жараёнида мафкура омилининг ўрнини ижтимоий – фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида кўрсатилган барқарор тараққиётни таъминлашдаги мафкураий хавфсизлик муаммоларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш

³ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2007. –45-бет.

ва бу борада маълум бир тасвияларни тақдим этиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Муаммонинг ишлаганлик даражаси. Мафкуравий хавфсизлик муаммосининг турли жиҳатлари ва тамойиллари, йўналишлари Президент И.А.Каримов асарларида кенг ёритилган.

Илмий манбааларни таҳлил қилиш шундан далолат берадики, ўтган асрнинг 80-йиллари ниҳояси ва 90-йилларининг бошларида СССР парчаланиб кетгач мафкуравий хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқишга бўлган илмий қизиқиш кучайди. Инсон, давлат ва жамият хавфсизлиги муаммоларини таҳлил қилишга О.А.Бельков, В.П.Зимонин, Д.А.Керимов, Н.А.Костенко, В.А.Рубанова, В.П.Сайников, С.В.Степашин, В.И.Телегин, каби олимлар катта ҳисса қўшдилар.

Олимларнинг умуман хавфсизлик категорияси ҳақидаги таҳлилларида бизни қизиқтирган томони мафкуравий хавфсизликдир. Бу муаммо бўйича Ўзбекистон олимлари С.Шермухамедов, А.Жалолов, Қ.Назаров, М.Қуроноф, А.Ачилдиев, Б.Тўйчиев, С.Мамшокиров ва бошқалар томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилган⁴.

⁴ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000. – 80 б., Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Олий таълим муассасалари учун тажрибавий қўлланма) –Т.: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти»-2003 й., Миллий истиқлол ғояси (Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11 синфлари учун ўқув қўлланмаси) –Т.: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти»-2004 й., Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қиска изоҳли тажрибавий луғат) –Т.: “Янги аср авлоди” – 2001., Шермухамедов С. Биз қандай жамият қурмоқдамиз? –Т.: Ўзбекистон, 1999. –40 б. Шермухамедов С. Роль культуры межнационального общения в социальном прогрессе. –Т.: Маънавият, 1998. –24 с. Жалолов А. Мустақиллик маъсулияти (сиёсий-фалсафий таҳлил). –Т.: 1996. –204 б, Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. –Т.: Шарқ, 1998. –144 б., Жумаев Р. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. –Т.: Фан, 1996. –208 с., Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000. – 80 б., Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. –Т.: Ўзбекистон, 2004. –134 б. Тангриев Л. Мустақиллик ва жамоат ташкилотлари. –Т.: Янги аср авлоди, 2000. –78 б., Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. –Т.: Шарқ, 2001. –192 б., Ачилдиев А.С. Миллий истиқлол ғояси – миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш омили. Фалсафа фан...доктори дисс. Автореферати. –Т.: 2004.-44 б. Қуроноф М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси.-Т.: Академия, 2008, -Б.31. Комиллик ўғитлари/ Тузувчилар: М.Х.Саидов, З.Т.Тоҳиров; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси "Устоз" жамғармаси. - Тошкент: Молия, 2003. - 96 б. Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси, -Т., 2011., Назаров Қ., Эргашев И. ва бошқалар. Миллий ғоя ва раҳбар маъсулияти. –Т, Ғулом номидаги НМИУ. 2007 Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси. – Т., 2002; Умарова Н. Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига қарши кураш. -Т.: Академия, 2005.-103 б Эркаев, А. Маънавият ва иқтисодиёт/ А.Эркаев. - Қарши: Насаф, 2000. - 32 б. Маънавият асосий тушунчаларнинг изоҳли луғати // муаллифлар жамоаси. –Т., Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2009. Ўзбекистонда маънавий юксалиш –демократик жамият қуришнинг муҳим омили.Т.: ЎЗМУ, 2002.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади - мафкуравий хавфсизликни яхлит тизим сифатида, унинг элементларини институционал-функционал таҳлил қилиш орқали хавфсизликни таъминлашнинг усул ва воситалари, имкониятларини фалсафий таҳлил қилиб, назарий ва амалий жиҳатдан асослашдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш қуйидаги **вазифаларни** бажаришни тақозо этади:

- мафкуравий хавфсизлик билан боғлиқ тушунчалар, назариялар, муқобил қарашларни туркумлаштириш ва фалсафий асослаш;

- мамлакат мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг ривожланиш босқичлари, унинг ҳозирги ва истиқболдаги вазифаларини ўрганиш;

- ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий муносабатлар глобаллашуви ва интеграциялашуви шароитида мамлакат ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлашда мафкура омилининг хусусиятларини кўрсатиш;

- барқарор тараққиёт ва мафкуравий хавфсизликнинг ўзаро алоқадорлигини таҳлил этиш;

- Ўзбекистонда мафкуравий хавфсизликни таъминлашда ғоявий-мафкуравий ислохотларнинг аҳамиятини ёритиш;

- мамлакатимизда мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг механизмлари, усуллари ва воситаларини илмий асослаш;

- Ўзбекистонда мафкуравий хавфсизликни таъминлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий ишнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда мафкуравий хавфсизликнинг назарий масалалари, тушунчалари, классификацияси фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинди;

- умуман мафкуравий хавфсизлик сиёсатининг ривожланиш босқичлари, хусусан Ўзбекистон сиёсатидаги тамойиллари назарий асослари ўрганилди;

- Ўзбекистонда мафкуравий хавфсизликни таъминлаш тамойиллари билан миллий тараққиёт боғлиқлиги ўрганилди;

- мафкуравий хавфсизликнинг институционал структураси, унинг динамик ўзгариш жараёни таҳлил этилиб, уни такомиллаштириш йўллари аниқланди;

- мафкуравий хавфсизлик усуллари ва воситаларини такомиллаштириш вазибалари бўйича назарий хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Илмий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Малакавий битирув ишида баён этилган таҳлилий фикрлар, илмий изланишлар, мулоҳазалар ва хулосалар нафақат назарий, балки айна пайтда амалий аҳамиятга ҳам молик бўлиб, улар асосан, қуйидаги жиҳатлари билан бу борадаги мавжуд илмий-тадқиқот ишларидан ажралиб туради. Малакавий битирув ишида миллий тараққиётимизни таъминланишида мафкуравий хавфсизлик масаласини ўзига хос ўрни муаммосини ўрганишнинг ўзига хослик, алоҳидалик ва умумийлик хусусиятлари, йўналишлари умумсиёсий методологик нуқтаи назардан, ижтимоий фалсафа фанининг объекти сифатида таҳлил этилганлиги ушбу муаммони ўрганаётган олимлар ва мутахассислар учун фойдали бўлиши мумкин.

Малакавий битирув иши илмий-тадқиқот жараёнида ёритиб ўтилган миллий тараққиётимизни таъминланишида мафкуравий хавфсизлик масаласини ўзига хос ўрни муаммосини ўрганиш борасидаги илмий изланишлар натижаси мазкур муаммоларни ўрганувчилар учун ўқув материали сифатида ҳам аҳамиятга молик бўлиши мумкин.

Малакавий битирув ишининг назарий-методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; мамлакат Президенти, академик И.А. Каримов асарларида миллий тараққиётимизни таъминланишида хавфсизлик масаласини ўзига хос ўрни муаммосини ўрганишга оид баён этилган янгича фикр-мулоҳазалар, ва унинг бу ҳақдаги маъруза ва нутқларида билдирилган хулосалари ташкил этади. Шунингдек,

тадқиқотнинг методологик асосини объектив таҳлил, умуминсонийлик ва миллийликнинг уйғунлашган тамойиллари ташкил этади.

Малакавий битирув ишининг тизулиши ва ҳажми. Илмий ишимиз таркибий жиҳатдан кириш, 2 боб, 6 банд, хулоса ва фойдаланилган манбалар ҳамда адабиётлар рўйхати билан биргаликда 70 бетни ташкил этади.

I БОБ. ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. “Мафкуравий хавфсизлик” ва “барқарорлик” тушунчаларининг мазмун-моҳияти

Маълумки, хавфсизлик муаммоси мустақил давлатчиликнинг шаклланиши ва жамиятда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий манфаатларнинг қарор топиши билан бир вақтда вужудга келади. Чунки шу вақтдан бошлаб, барқарорлик, ривожланиш билан бир қаторда хавф-хатар, турли-туман таҳдидлар ҳам пайдо бўлиб, уларни ҳисобга олиш, уларга асосланиб, давлат стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, «...хавфсизлик, барқарорлик ва танлаган йўлдан оғишмаслик деган ана шу оддий сўзлар замирида чуқур маъно-мазмун бор. Биз буни билиб олмоғимиз ва англаб етмоғимиз зарур. Хавфдан қандай холи бўлиш мумкин? Ривожланиш учун куч-мададни қаердан излаш лозим? Булар стратегик муаммолар бўлиб, ҳар қандай мустақил давлат, энг аввало ана шу муаммоларга эътибор бериб келган ва бундай буён ҳам эътибор беражак»¹.

Дарҳақиқат, хавфсизлик тушунчаси Робер маълумотномасига кўра, у 1190 йилда пайдо бўлди. Бу тушунча ўзини ҳар қандай хавф-хатардан ҳимояланган деб ҳисобловчи инсон руҳининг хотиржам ҳолатини ифодалаган². Ушбу маънода мазкур термин Ғарбий Европа халқлари лексиконида XVII асргача қўлланилган. Тарихнинг кейинги даврларида давлат тузилмаларининг шаклланиши билан боғлиқ равишда хавфсизлик тушунчаси моддий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда давлат қурилиши, бошқариш органлари тенденцияларига мос келадиган реал хавф-хатар

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари - Т., Ўзбекистон, 1998.- 421-б.

² Основы экономической безопасности – М., 1996. с.3.

(жисмоний ва маънавий)нинг йўқлиги натижасида вужудга келадиган тинчлик ҳолати шароити маъносини англатган³.

Бугунги кунга келиб, замонавий хавфсизлик концепциялари ўзининг анъанавий ёндашувларини йўқотиб бормоқда. Улар тобора индивидуал миллий хавфсизликка асосланмоқда. Халқаро муносабатлар майдонида давлатлар ўз ҳамкорларининг миллий манфаатлари билан ҳисоблашишига тўғри келмоқда. Акс ҳолда ядровий таҳдид омили минтақавий можароларда, ҳарбий низоларда ва террорчиларнинг ҳаракатларида ёвуз куролга айланиши мумкин.

Кўриниб турибдики, давр ўтиши билан миллий хавфсизлик концепциялари тадрижий ривожланиш даврини бошдан кечирмоқда. Шу боис, мазкур шароитда эса нафақат миллий хавфсизлик, балки миллий манфаатлар тизими ҳам баъзи бир ўзгартиришларга мухтож бўлиб қолди. Бугунги кунда миллий манфаатлар нафақат давлат ёки унинг иттифоқчиларининг шахсий манфаатлари йиғиндисини, балки бутун дунё ҳамжамиятининг манфаатларини ҳам акс эттириши ва уларни тўлиқ қамраб олиши зарур. Бу эса бугунги халқаро муносабатларда шаклланаётган янги жаҳон тартиботининг асосий шартларидан биридир.

Мафкуравий хавфсизлик – шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажовузлар турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча⁵. Мафкуравий хавфсизликни таъминлаш деганда, жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, ўзининг пировард мақсадларига мос ва унга хизмат қиладиган ғоялар тизимини шакллантириш, уни муттасил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдек жараёнлар назарда тутилади. Мафкуравий хавфсизликка ташқи ва ички омиллар ўз таъсирини ўтказиб туради.

³ Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М., изд-во РАГС, 2001.- с.8.

⁵ Миллий истиклол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат) –Т.: “Янги аср авлоди” – 2001. –Б. 75

Бугунги кунда, турли хил мафкура марказлари ва полигонларининг Ўзбекистонда янги жамият қуришга тўсқинлик қилиш учун ғаразли ниятларига эришишда мамлакатимиз фуқароларидан “қурол” сифатида фойдаланишга интилишларида Мафкуравий хавфсизлик учун реал ташқи таҳдидлар мавжудлигини кўрамиз. Шунингдек, қўшни давлатлардаги терроризм, диний экстремизм ва мавжуд сиёсий беқарорлик ҳам мамлакатимиз мафкуравий хавфсизлигига ўз таъсирини ўтказди. Ўзбекистон Республикасида миллий хавфсизликни таъминловчи ички омил – жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, ахлоқий ва маънавий салоҳиятидир. Бундан ташқари, мафкуравий хавфсизлик халқимизнинг асрий анъаналари, тили, дини, маънавияти ва миллий ривожланишига хизмат қилувчи умуминсоний қадриятларга асосланади. Шунингдек, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари, маданий-маърифий муассасалар томонидан амалга оширилаётган тарбиявий ишлар, маънавий-маърифий тадбирлар тизими мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг зарурий шартидир. Мамлакатимизда мафкуравий хавфсизликни илмий асосланган ижтимоий сиёсатга, ҳуқуқий маданиятга, жамиятнинг маънавий етуқлиги ва демократиялашувига узвий равишда амалга ошириладиган ғоявий тарбияга таянади. Жамият, давлат ва шахс мафкуравий хавфсизликни таъминлаш – давлат сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади.

Мафкуравий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида умуммиллий манфаатларнинг ҳимоя қилинишга йўналтирилган фаолиятдир. Бунда, миллий манфаатларни таъминлаш эҳтиёжи боис вужудга келадиган ва жамият аъзолари ғоявий-руҳий ҳаётининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолият ва узлуксиз жараён тушунилади. Мафкуравий хавфсизлик маънавий қадриятлар ривожини таъминлаш, уларни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилиб, мафкуравий, руҳий, психологик, ахлоқий жиҳатларнинг уйғунлигини таъминлайди. Маълумки, инсон маънавиятига қарши қилинган таҳдид қуролли хуружларга нисбатан кўпроқ таъсир кучига эга бўлиб бормоқда. Шу

боис, бундай таҳдидларнинг олдини олиш учун миллий тараққиётнинг барқарорлигини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар қандай мамлакатда жамият аъзолари манфаатларини ҳимоя қилишда мафкуравий хавфсизлик масалалари устувор аҳамият касб этади. Ижтимоий-тарихий тажрибадан маълумки, муайян мам-тни забт этмоқчи бўлган истилочилар, аввало халқнинг руҳияти, маънавияти ва кадриятларига болта уришга ҳаракат қилади.

Миллий маънавияти ва кадрияти пароканда этилган миллат ва элатлар ўзлигини йўқотади, ҳукмрон мафкура таъсирига тушиб, унинг манфаатларига хизмат қилишга мажбур бўлади. **"Узоқ тарихимиздан маълумки, — деб ёзади И.А.Каримов, — ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш учун аввало, миллий маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, куч-қудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар"**. Бугунги кунга келиб бир давлатни бошқа давлат томонидан қурол ёрдамида босиб олиш хавфи камайиб, глобал ахборотлашув таъсирида маънавий омиллар воситасида бошқа халқлар онги, қалби ва руҳиятига таъсир ўтказиш имкониятлари беқиёс даражада ошди. Эндиликда ахборот тарқатиш имкониятлари, турли халқлар маънавиятига кучли таъсир ўтказиш, мафкуравий хавфсизлиги заиф мамлакатларни қарам қилиш хавфининг кўлами кенгаймоқда. Шунинг учун жамиятдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий хавфсизлик тизимининг маънавият ва мафкура билан узвий боғлиқлиги таъминлангандагина миллий хавфсизликнинг яхлит тизимини шакллантириш мумкин. Мафкуравий хавфсизлик барқарорлигини таъминлашда эса маънавий омил етакчи ўрин тутади.

Мафкуравий хавфсизликка ички ва ташқи таҳдидлар таъсир этиши мумкин. Ички таҳдидга маънавиятимизни заифлаштиришга интилган собиқ тоталитар тузум асоратлари, хусусан айрим шахслар онгидаги эскича фикрлаш андозаларини, зарарли ва ёт таъсирларга берилган баъзи кишиларнинг ғаразли ташвиқотлари, ўтиш даври қийинчиликларидан

фойдаланиб қолишга интилаётган нияти бузуқ кимсаларнинг ёшларни йўлдан уришга ҳаракат қилаётганларини киритиш мукин.

Миллий, диний қадриятларимиз, анъана ва менталитетимизга ҳамда мамлакатдаги миллий бирлик, фуқаровий тотувликка раҳна солаётган, аҳоли онги ва қалбига салбий таъсир этувчи наркотик моддаларнинг кириб келиши “демократияни олға силжитиш” ниқоби остидаги саъй-ҳаракатлар ташқи таҳдидлар сифатида кўзга ташланмоқда. Президентимиз “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида таъкидлангандек, **“Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда”**⁶. Мамлакатимизга турли воситалар орқали мафкуравий таҳдидлар кучаяётган ҳозирги мураккаб даврда мафкуравий хавфсизликни таъминлаш мақсадида аҳоли кенг қатламлари ва ёшлар онгида юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояларига садоқат туйғусини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш, ёшларда турли таҳдидларга қарши маънавий иммунитетни шакллантириш имконини беради.

Барқарорлик (ижтимоий) — жамиятдаги тинчлик, осойишталик ва ижодий меҳнат муҳитини қатъий, узил-кесил ҳамда мустаҳкам ўрнатилган муқим шароит. Барқарорлик ҳар қандай бунёдкорлик фаолиятининг замини ва зарурий шартидир. Инсониятнинг шу кунгача кечирган тарихи — барқарорлик ва беқарорликдан (яъни синфий, ҳарбий, қабилавий ва гуруҳий қарашлар, тўқнашувлар, шафқатсиз урушлар саҳифаларидан) таркиб топган. Беқарорлик натижасида барқарорлик даврида яратилган моддий ва маънавий бойликлар нест-нобуд қилинган, жамият тараққиёти сустлашган. Бундай жараёнлар кишилар онгига асрлар давомида сингиб кетган бўлсада, инсоният

⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.-Б.

тарихи, хусусан, сўнг беш аср давомида жамиятни илмий асосда бошқариш имкониятларини излаш ва топишни тақозо этди. Бу йўналишдаги қарашлар Томас Морнинг «Утопия» (1515—1516), Томазо Кампанелланинг «Қуёш шаҳри» (1602) асарида баён қилинган; назарий-амалий изланишлар социал-утопистлар фаолиятида давом этади⁷.

Собиқ СССР парчалангандан сўнг вужудга келган мустақил давлатлар барқарорлик ва бунёдкорлик йўлига ўтиш чораларини изламоқдалар. Бироқ, сиёсий тажрибасизлик, демократия қонун-қоидалари ва талабларини юзаки талқин қилиш натижасида уларнинг аксарияти оғир кунларни бошдан кечирдилар ва кечирмоқдалар. Мустақил Ўзбекистонгина бу борада ижобий натижаларга эриша олди. Чунки, мустақилликнинг биринчи кунлариданок мамлакатимиз раҳбарияти Барқарорликни таъминлаш учун ҳамма зарур чоратadbирларни кўрди, барча ижтимоий, шу жумладан, муҳолифатчи кучларни мавжуд вазиятдаги ягона барқарорлик ва ўзаро ҳамкорлик сари йўналтирди. Барқарорлик туфайли Ўзбекистоннинг ижобий натижаларга эришаётганлигини жаҳон жамоатчилиги ҳам эътироф етмода.

Барқарорлик (ижтимоий, маънавий) — жамиятдаги тинч-тотувлик, бирдамлик ва уларни мустаҳкамлаш учун шарт-шароитнинг мавжудлиги; ижтимоий қатламлар, кучлар ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик вазияти; давлат, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасидаги ижтимоий келишув ҳолатининг муттасил давом этиши ва бошқалар. Ғарб олимлари Р.Дарендроф ва А.Козер ҳақиқий Барқарорлик йўқ, ҳар қандай Барқарорлик беқарорликнинг арафаси ёки муайян беқарорликдан кейинги ҳолати, жамиятнинг янги беқарорлик олдидан тин олиш даври, деган фикрни илгари сурганлар. Бундан фарқли тарзда Т.Парсонс “ижтимоий тизимнинг барқарорлиги қоидалари”ни ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, ҳар қандай барқарор жамиятнинг ижтимоий тузилишини ташкил этадиган элементлар фаолияти ўзаро уйғун бўлиши шарт. Ана шу уйғунлик доимий

⁷ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати /муаллифлар жамаоиси. –Т.: Ғ.Фулом номидаги НМИУ, 2009.- Б. 348

барқарорлик омилидир⁸. Бунда давлатнинг вазифаси жамиятнинг энг кичик бўғинлари, жамоалар, ташкилотлар, идоралар орасидаги мутаносибликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат. Агар давлат бунинг уддасидан чиқа олса, у жамиятни барқарор ривожланишини таъминлайдиган бошқарувчи (регулятор) вазифасини адо этади. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг муайян ислохотларни амалга ошириши учун имкон яратади. Бу қарашлар кўпгина мутахассислар томонидан эътироф қилинган. Ўзбекистонда мустақилликка эришганидан кейин ижтимоий ва мафкуравий барқарорликка эришиш ва уни мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Барқарорлик жамият таракқиётининг, ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишнинг асосий шарти, маънавий тамойиллар амалиётини таъминлаш омилидир.

Айрим фалсафа луғатларида барқарорлашиш тушунчаси келтирилган бўлиб, у луғавий шаклда бир қарашда беқарорлашишга зид, антиномик кўринишга эга бўлсада, фалсафий нуқтаи назардан у жараён ва ҳодисалар муаозанатига устувор таъсирга эга ҳаракат шакли ва йўналиши тарзида намоён бўлади. Мисол сифатида, олам ёинки халқаро ҳамжамиятдан то микро даражадаги ижтимоий гуруҳларга қадар унсурларнинг мавжудлигини, ўзаро боғлиқлигини оладиган бўлсак, унинг асосида ҳам барқарорлашиш билан беқарорлашиш ўртасида ҳам кураш ва ҳам монандлик томон интилиш ҳолатини пайқаш унчалик қийин эмас. Аммо бу идеал ҳолат. Лекин ушбу ҳолатга беқарорлашиш таъсирининг объектив ва субъектив сабаблар туфайли ошиб бориши натижасида жиддий дарз кетиши, мутаносиблик барҳам топиши мумкин. Ўртасидаги синергияга шу зайлда путур етиши табиий.

Мабодо жамият яхлитлигининг таянчлари бўлмиш иқтисодиёт, сиёсат, социал муносабатлар ва маънавий соҳаларда барқарорлашиш жараёни заифлашса, яъни беқарорлаштирувчи тенденциялар меъёрдан ошса, у ҳолда одатдагидан кўра кучлироқ ижтимоий таранглашиш юзага келади. Тарихнинг турли паллаларида юқорида келтирилган тизимлардан бирида ёки бўлмаса

⁸ Парсонс Т. Понятия общество: компоненты и их взаим отношение (перевод Н.Л.Поляковой Englewood Cliffs (№5) prentice 1996. стр 105

бирваракайига барчасида барқарорлашиш заифлашиш ҳолатлари кузатилганки, бугунги босқич ҳам ундан мустасно эмас.

Мутахассислар ижтимоий соҳаларнинг барчасида барқарорлашиш ҳолати пасайиб бораётганлиги ҳақида фикр билдиришаётган бўлсада, лекин салбий жараёнлар кўпроқ маънавият маконида содир этилаётганлиги барчани ташвишлантормоқда. Шундай экан, анъанавий, яъни маънавиятдаги салбий сабабларини асосан иқтисод ва сиёсат билан боғлаш амалиёти камлик қилади. Зеро маънавият азал-азалдан “ўзига етарли” автоном, яъни хусусий асосларига эга бўлган. Демак, дунё барқарорлиги ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётган аксилмаънавий жараёнларнинг (наркомания, маиший бузуклик, инсон зотига ярашмайдиган хатти-ҳаракатлар ва ҳ.к.) сабабларини энди маънавиятнинг бағридан излаш ҳам тўғри йўлдир. Жамият яхлитлигига хос барқарорликнинг мустаҳкамланишида айниқса XXI асрга келиб инсонларнинг маънавий дунёси улкан роль ўйнаётганлигини ҳар бир киши бугун ҳар доимгиданда чуқурроқ идрок этмоғи лозим бўлади.

Сўнги пайтларда геополитика соҳасидаги қўлланмаларда урушларга йўл кўймаслик, давлатлараро низо ва мажароларни сиёсий воситалар билан ҳал этиш, мамлакат ичидаги келишмовчиликларни тинчлик йўли билан бартараф қилиш, инсон ҳуқуқи ва қонун устуворлигини таъминлашни ифодаловчи тинчлик ва барқарорлик тушунчалари ёнма ён қўлланмоқда. Инсоният ирқи, миллати, маданий бойликларига, урф-одатларига буюк ҳурмат билан қараб келган. Бугунги замонда маънавий бойликларни сақлаб қолиш учун, аввало, қонли мажароларга барҳам бериш, тинчлик ва тотувликни қарор топтириш, маданий мерос, осори-атиқалар, урф-одатларни асраб авайлаш, дунё халқларининг илм-фан ютуқларидан бирдек баҳраманд бўлишига эришиш зарур.

Тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик - Ўзбекистон давлати таяниб қурилаётган ва қад кўтариб турадиган учта устундир⁹. Тинчлик ва барқарорликда 1) озодлик, адолат ва демократик тамойилларига асосланган

⁹ Каримов И.А Ватан саждагоҳ каби муқаддасидир Т.1996, Б.164

дўстона ва иттифоқ маданияти; 2) зўравонликни қайтарувчи ва низолар пайдо бўлган заҳоти уни бартараф этишга чорлайдиган, муаммоларни мулоқот ва музокаралар йўли билан ҳал этувчи маданият; 3) ўз жамиятининг ички ривожда унинг барча ҳуқуқини, ҳар кишининг тўла миқёсида ва имкониятларини амалга оширишда тўлиқ иштирокини таъминловчи маданиятга эришишлик ғояси асос қилиб олинishi керак.

Юрт тинчлиги — бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик-тотувликка интилиб келган. Юрт тинчлиги — барқарор тараққиёт гарови.

Ўзбек халқи тинчликни юксак қадрлайди, уни ўз орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари рўёбга чиқишининг кафолати деб билади. Шунинг учун доимо Яратгандан тинчлик ва омонлик тилайди. Лекин, афсуски, ҳаётда бу эзгу тилакларнинг ижобат бўлишига доимо қаршилик қиладиган кучлар ҳам бор. Улар ўзларининг ғаразли мақсадлари, нафс балоси йўлида башариятни ҳамиша низо-адоват, уруш ва қирғинлар домига тортиб келади.

Инсоният тарихига назар ташласак, кейинги беш минг йил мобайнида одамзот ўн беш минг-дан зиёд катта-кичик урупшарни бошдан кечирганини кўрамиз. Бу — уруш ва тинчлик, хавфсизликни таъминлаш масаласи ҳанузгача инсоният олдидаги энг оламшумул муаммо бўлиб қолаётганидан далолатдир.

Ҳолбуки, башарият фақат тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган тақдирдагина ўз олий мақсадларига эришади, моддий ва маънавий юксакликка кўтарилади.

Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек Мовароуннахрга ҳукмронлик қилган қирқ йил мобайнида мамлакатда тинчлик-барқарорлик устувор бўлгани сабабли илм-фан, маданият юксак тараққий этган, бунёдкорлик ишлари ривожланган, кўҳна заминимиз гуллаб-яшнаган.

Аксинча, уруш ва низолар инсонни одамийлик қиёфасидан айиради, жамиятни буткул таназзул ботқоғига ботиради. Мана ўттиз йилдан буён ўзаро ҳарбий можаролар туфайли цивилизациядан батамом узилиб, дунёнинг

энг қолоқ мамлакатларидан бирига айланиб қолган Афғонистон — бунинг яққол далили.

Бу мамлакат худудининг хавф-хатар ўчоғига айланиб қолгани юртимиздаги тинчлик ва барқарорликка, тараққиёт йўлидаги эзгу мақсадларимизни амалга оширишга халақит бермоқда. Бу — дунёда ялпи тинчлик ва барқарорликка эришиш учун, аввало, ҳар бир мамлакат ва ҳар бир минтақада тинчлик-барқарорликни таъминлаш зарур, деган қарашнинг бугунги кунда ғоятда долзарб аҳамият касб этиб бораётганидан далолат беради.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ биз юрт тинчлигини энг асосий бойлик сифатида асраб келмоқдамиз. Бугунги ва кейинги насллар ҳам кўп меҳнат ва машаққатлар эвазига қўлга киритилган мана шу бебаҳо неъматни асраб-авайлаши зарур. Шундагина улар халқимизнинг асл орзу-интилишларига, истиқлол йўлида жон фидо этган аجدодларимиз руҳига муносиб бўла олади. Юрт тинчлиги — Ватан озодлити ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бировга қарам бўлган халқ ҳеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди. Шунинг учун ҳам мустақиллик ва тинчликни асраш, мамлакатимизни тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз лозим.


1.2. Мафкуравий хавфсизликнинг тузилмаси

Мафкуравий хавфсизликни таъминлаш деганда, жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, ўзининг пировард мақсадларига мос ва унга хизмат қиладиган ғоялар тизимини шакллантириш, уни муттасил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдек жараёнлар назарда тутилади. Мафкуравий хавфсизликка ташқи ва ички омиллар ўз таъсирини ўтказиб туради.

Ўзбекистон Республикасида миллий хавфсизликни таъминловчи ички омил – жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, ахлоқий ва маънавий салоҳиятидир. Бундан ташқари, мафкуравий хавфсизлик халқимизнинг асрий анъаналари,

тили, дини, маънавияти ва миллий ривожланишига хизмат қилувчи умуминсоний кадриятларга асосланади. Шунингдек, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари, маданий-маърифий муассасалар томонидан амалга оширилаётган тарбиявий ишлар, маънавий-маърифий тадбирлар тизими мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг зарурий шартидир.

Мамлакатимизда мафкуравий хавфсизликни илмий асосланган ижтимоий сиёсатга, ҳуқуқий маданиятга, жамиятнинг маънавий етуқлиги ва демократиялашувига узвий равишда амалга ошириладиган ғоявий тарбияга таянади. Жамият, давлат ва шахс мафкуравий хавфсизликни таъминлаш – давлат сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади.



Маълумки, жамиятнинг янгилиниш босқичларида одатда эски тизим, эски турмуш тарзи билан биргаликда ўша тизим мафкураси ҳам юз тубан бўлади, бундай ҳол маълум даражада мафкуравий бўшлиқни юзага келтиради. Мафкуравий бўшлиқ ва мафкуравий беқарорлик ҳамоҳанг, чунки бундай пайтда вазиятдан фойдаланиш илинжида турли ғаразли мақсадларни кўзлаган мафкуралар ҳам бош кўтарадилар. Агарда ана шундай ҳолатда эҳтиётсизликка йўл қўйилса, жамият ҳалокат ёқасига келиб қолиши мумкин. Том маънодаги мафкуравий беқарорлик ана шунда пайдо бўлади. Юзага чиққан турли бегона, ёт мафкуралар билан янгидан шаклланаётган миллий мафкура ўртасида муросасиз кураш боради. Бу кураш томонларнинг ўзаро

вақтинчалик муваффақиятлари тарзида кечиши мумкин. Бундай беқарорлик ижтимоий ҳаётга катта салбий жиҳатдан таъсир кўрсатади.

Масалан, XX асрнинг 90-йилларига келиб, жаҳонда социализм лагери барҳам топди. Дунё сиёсий харитасида ўзларининг мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олган ўнлаб суверен давлатлар пайдо бўлди. Айни пайтда социалистик ғоялар ҳукмрон бўлиб келган ҳудудни мафкуравий жиҳатдан бўлиб олиш билан боғлиқ вазият юзага келди. Бу вазият буюк давлатчилик шовинизми, диний экстремизм, тажовузкор миллатчилик каби мафкуравий таҳдидларда намоён бўлмоқда.

Бундай вазиятда фақатгина кучли, халқ иродасини ўзида акс эттирган ғояларгина мамлакатни, жамиятни ёт ғоялар таъсиридан, мафкуравий тазйиқлардан муҳофаза қила олади. Мафкуравий вазият ўз характери, ҳаракатлантирувчи кучлари ва юзага келиш сабабларига кўра қулай ёки ижобий, ноқулай ёки салбий тусга эга бўлади.

Агар мамлакатда миллийлик руҳи билан суғорилган, халқнинг эзгу-мақсадларини ўзида акс эттирадиган, жамиятнинг турли қатламларини бир мақсад томон йўналтирадиган ғоялар ҳукмронлик қилса, у ҳолда бундай мамлакатда қулай ёки ижобий мафкуравий вазият вужудга келган ҳисобланади.

Турли хил мафкуралар мавжуд бўлса-да, улар жамиятни ягона умуммиллий мақсадга йўналтирмаса, халқ бегона ғоя ва мафкуралар тазйиқидан холи бўлмаса, бу мафкуралар кишиларнинг орзу истакларини юзаки акс эттирса, у ҳолда мамлакатда ноқулай, салбий, таъбир жоиз бўлса, хатарли мафкуравий вазият вужудга келади. Бундай ҳолатда мамлакат парокандаликка учраб, жамият ўз тараққиёт йўлини йўқотиши ва боши берк кўчага кириб қолиши мумкин.

Ғоявий, мафкуравий хавфсизлик ҳозирги даврда долзарб аҳамият касб этмоқда. Мафкура, ғоя ҳар қандай жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Чунки мафкура мавжуд бўлмаса, ҳар қандай жамият ўз тонлаган йўлини

йўқотиши мумкин. Қаерда мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилаши барчага аён ҳақиқатдир.

Ҳозирги даврда турли хил эски ва янги мафкура, ғояларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам шиддатли тус олмоқда. Бунга сабаб социалистик тоталитар тузум емирилганидан кейин дунёнинг икки қарама-қарши қутбларга бўлиниши барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар, ғоялар кураши, тортишуви ҳали тўхтагани йўқ. Бу курашлардан мақсад инсон, шу жумладан, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онги ва тафаккурига таъсир ўтказиш, уни ўзига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилишдан иборатдир. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий қарамликлардан ҳам кўра даҳшатлироқдир. Шу боисдан мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий таҳдид, хавф-хатар, тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин. Аммо мафкуравий, ғоявий хавфни, тазйиқни тезда илғаб олиш, сезиш ниҳоятда қийин. Инсон ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий миллий қадриятларга, мустаҳкам иродага эга бўлмаса, жамиятда халқни ягона мақсад йўлида бирлаштирувчи миллий ғоя ва мафкура мавжуд бўлмаса, унинг турли зарарли ғоя ва мафкураларнинг тазйиқига бардош бериши амри маҳолдир.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда «...жамиятимиз ҳаётига жиддий хавф туғдирадиган мафкуравий таҳдидлар куйидагилардан иборат:

-ислом халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларини янги империяга бирлаштиришга қаратилган интилишлар;

-ёш мустақил давлатларни собиқ иттифоққа бирлаштириш ғояси;

-тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар;

-ахлоқсизлик ғояларини ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар;

-турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можароларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар»¹.

Бундай ғоявий, мафкуравий таҳдидлар инсонлар ва халқнинг қалби, онгини забт этишга, уларни ўз миллий ва маънавий, маданий кадриятларидан, умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум қилишга, пировард натижасида мамлакатни ўзларига қарам қилиб олишга қаратилгандир. Шу боисдан ғоявий, мафкуравий хавфсизликни таъминлаш ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, мафкуравий вазият жамиятда янги мафкуранинг шаклланиши, ривожланиши ва халқ онгига сингдирилиши борасида амалга оширилаётган ишларни, муайян ҳудуд ёки минтақадаги хилма-хил мафкураларнинг ҳукмронлик учун бўлган ўзаро курашларини ҳам англантишини унутмаслик зарур. Айни пайтда мафкуравий вазият янги, шаклланаётган мафкура билан ўз “вазифасини” бажариб бўлган ёки адо эта олмаган мафкура, ёки унинг қолдиқлари ўртасида муросасиз кураш боришини ҳам ифодалайди.

Мафкуравий хавфсизлик моҳиятини ҳозирги замон шароитига хос ва мос равишда тушунишда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, демографик, жуғрофий, экологик, диний ва бошқа омилларнинг мунтазам таъсирини ҳисобга олиш зарур. Бунда давлатлар, минтақалар ва умуман жаҳоннинг ривожланиш жараёнлари ва принципларини ўрганувчи геосиёсат катта аҳамият касб этади. Айтиб ўтилган омиллар жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, реал жараён ва ҳодисаларнинг моҳияти, мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини юзага чиқаради. Геосиёсий шарт-шароитни одатда жуғрофий, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, у ёки бу минтақадаги, қолаверса, жаҳондаги муайян вазият сифатида қабул қилиш зарур.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, бугунги дунёда таҳдид даражасининг ўзи шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги ҳолатини баҳолаш меъёрларидан

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т., Ўзбекистон, 2000. 41-б.

бирига айланиб улгурди. Мазкур масалаларга диққат эътиборни қаратар экан, Президент И.А.Каримов хавфсизлигимизга таҳдид солишга, миллий манфаатларимизга путур етказишга уринувчи айрим ташқи ва ички кучлар сезиларли даражада жонланаётганлиги боис огоҳлигимизни йўқотмасдан, бизни ҳар кадамда кутаётган барча хавф-хатарларни чуқурроқ ҳис этишимиз зарурлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, мафкуравий хавфсизлик тушунчаси кўп киррали ва хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Аммо шунга қарамай, мафкуравий хавфсизлик тушунчаси қуйидаги хусусиятларга эга.

Биринчидан, мафкуравий хавфсизлик аниқ тарихий мазмунга эга, яъни жамиятга қайси соҳаларда ва қандай даражада таҳдидларнинг вужудга келаётганлигини аниқлашга қаратилган аниқ ҳолатлардаги аниқ таҳлилларни талаб қилади.

Иккинчидан, мафкуравий хавфсизлик айрим ҳолларда бир-бирига зид ўлчамлар, жамиятга хавф соладиган таҳдидлар ва уларни бартараф этишни тавсифлайдиган ижтимоий-иқтисодий параметрлар ва кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Учинчидан, мафкуравий хавфсизлик муаммосининг аҳамияти ва кескинлиги жаҳон ҳамжамияти ҳамда айрим мамлакат, ҳудуд тараққиётининг бурилиш даврларида ғоят ўсиб кетади.

Тўртинчидан, мафкуравий хавфсизлик томоийллари ва параметрлари, кўрсаткичлари ўзгарувчан ҳамда турли мамлакатларда ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Аммо шунга қарамасдан ҳар бир мамлакатнинг мафкуравий хавфсизлиги инсониятнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг умумий тенденциялари билан боғлиқдир. Шунингдек, умумбашарий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўзгаришлар мафкуравий хавфсизликка таъсир ўтказиб туради.

Бешинчидан, мафкуравий хавфсизлик тушунчасига миллий давлат манфаатлари ва миллий ғоя, миллий мафкура ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Олтинчидан, мафкуравий хавфсизликни таъминлашда иқтисодий хавфсизлик муҳим ўрин тутди. Чунки мафкуравий хавфсизликни, шу жумладан мамлакатнинг сиёсий, конституцион тузумини, давлат мустақиллигини ва суверенитетини сақлаш, ҳарбий қудратини ошириш, экологик муаммоларни юмшатиш ва ҳал этиш авваламбор, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига ва қудратига, унинг иқтисодий хавфсизлигининг қай даражада таъминланганлигига боғлиқдир.

1.3. Мафкуравий хавфсизликнинг функциялари

Мафкуравий хавфсизликнинг функцияларини таҳлил қилишдан олдин мафкуранинг функцияларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Мафкуранинг функциялари - миллатлар ва давлатлар, турли ижтимоий-сиёсий кучларнинг ўз ғоявий тизимларини яратиш ва тарғиб қилишдан кўзлаган мақсад-муддаолари ҳамда ўз мафкуралари орқали ҳал қилиши лозим бўлган вазифалар мажмуи¹⁰.

Маълумки, ҳар қандай мафкура муайян ғояни одамларнинг онига ва руҳиятига сингдириш, аҳолининг турли гуруҳларини бирлаштириш ва кўзланган мақсад ва ниятларга эришиш учун одамларни сафарбар этиш ҳамда уларни маънавий-руҳий рағбатлантириш хусусиятларини ўзида мужассам эатди. Шунингдек, мафкуралар аҳолини, айниқса ҳаётга кириб келаётган ёш авлодни ғоявий тарбиялаш ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳамда бошқа мафкуравий ва ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишдек бир қатор вазифаларни ҳам бажаради.

Юксак ғояларга асосланган, манфаатлар ва фикрлар хилма-хиллигини эътироф этадиган мафкуравий тизимлар ўз соҳибларини тараққиётга элтади. Тор миллий ё синфий талаб-эҳтиёжларни бошқа халқлар ёки гуруҳлар ҳисобига қондиришини ният қилган мафкуралар охир оқибат барбод бўлади, ўз тарафдорларини таназзул ва халокатга дучор этади.

¹⁰ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қиска изоҳли тажрибавий луғат) – Т.: “Янги аср авлоди” – 2001. –Б. 67

Мафкуравий хавфсизликнинг функциялари давлатнинг мафкуравий сиёсатида ўз аксини опади. Бунда у муайян ғоявий қарашлар тизимини одамлар онгига сингдириш, зарарли маънавий – мафкуравий таъсирлар, турли кўринишдаги тазйиқларнинг олдини олишга қаратилган услуб ва воситалар ҳамда уларни ишлаб чиқиш, тартибга солиш ва бошқариш билан боғлиқ фаолият сифати амалга ошади.

Мафкуравий сиёсатни мафкуравий вазифаларни амалга ошириш учун бўлган ҳаракат тарзида ҳам тушуниш мумкин. Бу вазифалар муайян мамлакат ёки халқнинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, нуфузи, халқаро иқтисодий, сиёсий, дипломатик алоқалардаги мавқеи, тараққиёт даражаси каби бир қатор кўрсаткичлардан келиб чиқади. Масалан, мустақил Ўзбекистон шароитида миллий истиқлол мафкурасини яратиш орқали миллий хавфсизликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш масаласи долзарб аҳамиятга эга.

Одатда ички ҳамда ташқи мафкуравий вазифалар бир-биридан фарқланади. Ички мафкуравий сиёсат мамлакат, халқнинг ўз олдига қўйган стратегик мақсадларидан келиб чиқиб, тараққиётнинг янги бир босқичга кўтарилиши учун фуқароларни сафарбар қилиш вазифасини ўтайди. Ташқи мафкуравий масалалар эса ўз халқи ва мамлакатининг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш, мустақил тараққиётнинг халқаро муносабатлар билан боғлиқ жиҳатларини таъминлаш ҳамда бегона мафкураларнинг таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган бўлади.

Мафкуравий хавфсизлик функцияларининг самарали амалга оширилиши унинг қандай воситалар, усуллар ва шаклларда юритилишига боғлиқ. Бу ўринда ижтимоий тараққиётдаги турли гуруҳлар, синфлар ва қатламлар манфаатларининг ҳисобга олиниши муҳим аҳамиятга эгадир. Мафкуравий таъсир ўтказиш йўллари омма учун қанчалик яқин, тушунарли ва табиий бўлса, ижтимоий-гуманитар фанлар ютуқларига таянган ҳолда ташкил этилса, мафкуравий сиёсат шунчалик самарали бўлади.

Мафкуравий хавфсизликни таъминлаш тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- мафкуравий хавфсизликни таъминлаш соҳаси бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини муҳофаза қилиш кафолатлари тизимини шакллантиришга ғоявий-мафкуравий жиҳатдан ёрдам бериш;
- Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига нисбатан ташқи ва ички мафкуравий таҳдидларни аниқлаш, баҳолаш ва олдиндан айтиб бериш;
- мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг воситаларини яратиш, уларни ҳамيشа шай ҳолатда сақлаш ва уларни, чунончи, мафкуравий хуружлар кучайган ёки юз берадиган вазиятларда бошқариш.

Ўзбекистон Республикаси мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш тизимининг юқорида келтирилган вазифа ва тамойилларидан келиб чиқиб, хавфсизликни таъминлаш асосий йўналишларининг ташқи сиёсат, иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник, технологик, информацион, экологик, шунингдек жамият ва давлат қурилиши соҳаларидаги мазмуни шаклланади.

Маълумки, мафкуравий хавфсизлик функциялари мафкуравий марказлар томонидан амалга оширилади. Одатда муайян ғояни илгари сурувчи, тарғибот ва ташвиқотнинг турли усул, воситалари орқали одамлар онги, руҳиятига таъсир этувчи кишилар уюшмаси, ташкилот ёки муассасалар ўзининг характери, мақсадига қараб маълум партия, гуруҳ, кишилар уюшмаси ёки давлат мафкуравий марказ ядросини ташкил этиши мумкин.

Бундай мафкуравий марказлар ўз ҳаракат дастури, мафкурани тарғиб қилиш воситалари, усулларига эга бўлиб, унда муайян ғояга ишонтириш, уюштириш, сафарбар этиш, маънавий руҳий рағбатлантириш, ғоявий тарбиялаш, мафкуравий иммунитетни сақлаш кабилар муҳим ўрин тутаяди. Улар ўз фаолиятларини яширин ва ошқора йўл билан амалга оширадilar. Жаҳон тажрибасидан шу нарса маълумки, айрим мафкуравий марказлар,

масалан, фашизм ўз мақсадларини ошкора эълон қилиб, зўравонлик йўли билан сингдирган. Мафкурани яширин йўл билан тарғиб қилишда вайрон қилувчи ғоя ўзининг сохта жозибаси, алдов ва макр билан омма онгини захарлаб жамиятда ҳукмрон мавқени эгаллаб олишига алоҳида эътибор берилган.

Бугунги кунда уларга қарши соғлом мафкурани тарғиб қилишда таълим-тарбия даргоҳлари, илмий, маданий-маърифий муассасалар, маҳалла, оила, турли жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари фаолияти муҳим ўрин тутди. Бу соҳада фан ва илмий муассасаларнинг аҳамияти катта бўлиб, улар аҳолининг ижтимоий-руҳий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мафкуравий тарбиянинг самарали йўлларини тадқиқ этиш, турли мафкуравий таҳдидлар хавфнинг олдини олишнинг илмий назарий асосларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Шунингдек, жамоатчилик фикри, аҳоли турли қатламларининг руҳияти, интилишлари, қизиқишлари, қарашларини турли социологик тадқиқотлар, анкета сўров усуллари орқали ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш ҳам турли зарарли ғояларни тарқатадиган мафкуравий марказларга қарши курашдаги муҳим воситалардан биридир.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СИЁСАТИ

2.1. Мафкуравий хавфсизликни таъминлашда давлат, нодавлат институтларининг роли

«Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар домий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар», - деб ёзади Президентимиз¹¹. Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир фарзандимизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун, бир сўз билан айтганда, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади.

Мафкуравий хавфсизликни таъминлашда давлат, нодавлат институтларининг роли ҳаикда гапиришдан олдин, уларнинг мафкуравий иммунитет тизимини шакллантириш, мафкуравий профилактика чора-тадбирлари борасидаги вазифаларининг аҳамиятига эътибор қаратиш лозим. Зеро, бундай вазифалар моҳиятан, ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирларни ўзида акс эттирадир. Айниқса, таълим-тарбия ва тарғибот–ташвиқот тизими мафкуравий профилактикани амалга оширишга ёрдам беради. Соғлом мафкурани халқ қалби ва онгига сингдиришга хизмат қиладиган ижтимоий тузилмалар, оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам унда ўз ўрнига эга. Шунингдек, Ватан, халқ манфаатларини, дўстлик ва биродарликни, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни тарғиб-ташвиқ этувчи эртаклару дostonлар, кўшиқлару рақслар, турли кўриниш ва мазмундаги маънавий – маърифий тадбирлар мафкуравий профилактикани амалга ошириш шакллари дир.

¹¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар / Сўзбоши –Т.: Ўзбекистон, 2000. Б. -3

Давлат институтининг муқаррарлиги, унинг етакчи ижтимоий-сиёсий институт бўлиб қолиши ички ва ташқи омиллар билан боғлиқ. Ички омилларга фуқароларда ижтимоий-сиёсий онг ва фаолликнинг юқори эмаслиги, ижтимоий ҳаётнинг мураккаб ва ўта дифференциаллашиб бораётгани, демократик кадриятларнинг турли гуруҳ ва тоифалар томонидан ҳар хил қабул қилиниши, шахсда эгоизм, ҳатто деструктив таъсирларга берилишга мойилликнинг мавжудлиги, мулкый табақаланишнинг сақланиб қолиши киради. Ташқи омилларга эса давлатлараро муносабатларда «этатистик эгоизм» ҳуқумронлик қилиши, миллий маданий кадриятларга мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружнинг, сақланиб қолиши, чет давлатлардаги айрим бузғунчи кучларнинг давлат хавфсизлигига таҳдиди тўла бартараф этилмагани каби омиллар киради. Токи ана шундай ички ва ташқи деструктив омиллар мавжуд экан, давлат жамиятни уюштириш, унда тинчлик ва барқарорлик, соғлом рақобат муҳитини қарор топтириш, плюрализмни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла рўёбга чиқаришни кафолатлайдиган асосий сиёсий институт бўлиб қолаверади. Бугунги кунда фуқаролик жамияти тўла қарор топган ёки бу борада юксак тараққиётга эришган мамлакатларда ҳам давлат жамиятдаги асосий институт, етакчи куч бўлиб қолаётганини кўриш мумкин.

Маълумки, жамиятда мафкуравий хавфсизликни шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни катта. Шу ўринда биз бугунги кунда ўзининг мустаҳкам позицияси ва йўлига эга бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг тарихидаги бир мисолни келтирмоқчимиз. Президент И.А.Каримов Ўзбекистон компартиясининг биринчи котиби пайтида халқда обрў, эътибор ва ишонч топган. Унинг Ўзбекистон ХДПсининг маълум бир вақт биринчи котиби бўлиши, шубҳасиз, ХДПни ижтимоий-сиёсий ҳаётда лидерлик даражасига кўтарди.

Бироқ кейинги йилларда юз берган ўзгаришлар, ХДП раҳбариятининг алмашиши, айрим субъектив омиллар партия ҳаётида акс этмай қолмади. «Ижтимоий барқарорликни ўрнатиш мақсадида, - деб ёзади Р.Жумаев, -

аҳолини аксилсиёсатлаштиришни қўллаб-қувватлаш оқибатида партия маълум маънода аъзоларидан маҳрум бўлди. Кўпчиликдаги «мафкурадан холи» деган тушунча партиялар идеологларини аксилмафкуралаштириш натижасида жамият ҳаётида юзага келган акс-таъсир мафкуравий концепцияларини ишлаб чиқишда айрим партияларнинг йиғилишларига салбий таъсир кўрсатди. Натижада умумий, тартибсиз ҳолатлар ва шиорлар устун келди. Бу эса «бутун халқ» манфаатларини акс эттиришга бўлган интилиш шиори остида маълум маънодаги оммавийлашишга эришиш, динга ортиқча берилиб кетиш, партиялар томонидан ноаниқ иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги дастурларнинг қабул қилинишига сабаб бўлди»¹².

Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ мутлақ янги вазият, шароит партия лидерлари олдига ноанъанавий йўлдан боришни, давр талабларига, демократик ўзгаришлар моҳиятига мос концепциялар ишлаб чиқишни тақозо этдики, уларни тўғри ва тўла англашга партия тайёр эмас эди. «Тарафдорларининг ижобий ғоя ва шиорларига эга бўлишига қарамасдан, партия бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида янги ғояларни илгари сура олиш ҳолатида эмас эди. Шунинг учун уларда маълум маънода мутаассиблик ва ноэгилювчанлик хусусиятлари пайдо бўлди»¹³. Бу эса партия аъзоларининг мафкуравий хавфсизлик борасидаги фаолиятининг сусайишига сабаб бўлди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида мафкуравий хавфсизликни таъминлаш ҳақида сўз борганда, авваламбор, ушбу ташкилотларнинг умумий мақсадлари ва жамият мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш борасидаги асосий вазифаларининг муштараклигини таъкидлаш керак. «Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш.

¹² Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. –Т.: Шарқ, 1998. 36-37-бетлар.

¹³ Ўша манба. 37-бет.

Мафкурамиз, тутган йўлимиз, бор куч-ғайратимиз ана шу улуғвор ниятни амалга оширишга йўналтирилиши керак. Халқимизни, юртимиздаги барча сиёсий кучларни, нодавлат ташкилотларни ягона умумий мақсад атрофида бирлаштирадиган, бир тану бир жон қиладиган миллий ғоя ҳам аслида шу¹⁴.

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида» (1991), «Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида» (1999)ги қонунларда уларга ранг-баранг сиёсий партиялардан тортиб ихтиёрий ижодий уюшмаларгача бўлган фуқароларнинг маълум бир интилишларини ифода этадиган, давлат идоралари томонидан рўйхатга олинган ташкилотлар кириши кўрсатилган. Демак, нодавлат ноижорат ташкилотларининг ижтимоий функциялари, фуқароларнинг турли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолият йўналишлари ҳам ранг-барангдир. Юқорида келтирилган ҳужжатлар ва илмий-назарий тадқиқотларнинг хулосаларидан маълум бўлдики, нодавлат ноижорат ташкилотлари фуқаролик жамиятнинг асосий институтларига, кенг аҳолини ўз атрофига бирлаштирган, жамиятнинг бутун тизимларига, институтларига таъсир этадиган, ҳатто «келажакда давлатни ўз назорати остига оладиган» бўлади¹⁵. Айнан шу маънода нодавлат ноижорат ташкилотлари халқимизнинг миллатимизнинг ўзлигини англаш ва намоён этишига хизмат қиладиган институтлардир.

Нодавлат ноижорат ташкилотларининг миллий ғояни тарғиб этиш имконини берадиган институтлар сифатида келиши уларнинг: 1) ихтиёрий тарзда ташкил этилиши; 2) оммавий характери; 3) аниқ мақсад ва вазифаларга эга бўлиши; 4) ижтимоий-конструктив фаолиятга йўналтирилганлиги; 5) қонунийлиги; 6) давлатга муқобил куч сифатида унинг институтлари устидан ижтимоий назорат олиб бориши каби фаолиятларида акс этади.

¹⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч, -Т.: “Маънавият”, 2008. 76-бет

¹⁵ Джумаев Р.З. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. -Т.: «Фан», 1996. - С.101.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқароларнинг ихтиёри, эркин ташаббуслари орқали ташкил қилинади. Ихтиёрийлик принципи нодавлат нотижорат ташкилотларини (ННТ) фуқароларнинг мафтункор, эркин фаолият тури билан шуғулланишига имкон берадиган, бир-бирлари билан эркин мулоқот ўрнатадиган институтларга айлантиради. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунида давлатнинг ушбу ихтиёрий ташкилотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган вазифалари белгилаб берилган. «Давлат, - дейилади унда, - нодавлат нотижорат ташкилотларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Ихтиёрийлик озодлик, эркинлик, ўз манфаат ва интилишларини, фикрини эркин ифодалаш усулидир. Инсоннинг ўзлигини англаши, унинг ўз «мен»ини ихтиёрий (табiiй, тарихий-ижтимоий зарурий) тарзда намоён қилишга интилиши натижасидир. Демак, ихтиёрий фаолиятсиз ўзликни намоён қилиш мумкин эмас. Бу «акт» ихтиёрий акт, ихтиёрийлик ифодаси эди. Кейинчалик инсон ихтиёрий актни ижтимоий зарурият сифатида қабул қилган, унга ижтимоий зарурият орқали қарайдиган бўлди. Лекин инсон руҳи, қалби ўзлигини намоён қилишни ихтиёрий акт сифатида қабул қилишдан воз кечмади, балки ўз «мен»ини тўла намоён қилишга эҳтиёж сезган сайин ихтиёрий фаолиятни ижтимоий зарурият даражасига кўтарди. Фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсади фуқароларнинг ихтиёрий фаоллиги натижаси бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ташкил этишни, уларнинг кенг фаолият кўрсатишини ижтимоий заруриятга айлантирди. Натижада фуқаролик жамиятининг ўзи ижтимоий заруриятга айланган фуқароларнинг ихтиёрий фаоллиги, нодавлат нотижорат ташкилотларининг маҳсули сифатида намоён бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари намоён бўлишига кўра оммавийдир. Яъни уларнинг мақсад ва вазифалари биринчидан, халқ манфаатларини қондиришга, жамият аъзоларининг у ёки бу соҳада ўзлигини намоён қилишига ёрдам бериши; иккинчидан, уларга аъзо бўлиш чекланмаган,

ташкилот низомида белгиланган мақсад ва вазифаларга хизмат қилувчи ҳар бир фуқаро унга аъзо бўлиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг оммавий характери, уларнинг мақсад ва вазифаларига алоҳида маъна, статус беради. Ушбу мақсад ва вазифалар уларни ўзининг тор, гуруҳий манфаатлари билан чегараланиб қолмасликка, жамият, давлат, фуқароларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларини мудом ҳисобга олишга ундайди. Тўғри, айрим жамоат ташкилотлари низомларида ушбу ташкилот аъзоларининг манфаатларига, эҳтиёжларига хизмат қилиш қайд этилади. Масалан, театр, архитектура, мусика, бадиий ва техника ижоди билан шуғулланувчиларнинг жамоат ташкилотлари низомларида энг аввало ташкилот аъзоларини ёки айнан шу йўналашдаги фаолият тури билан шуғулланувчиларни қўллаб-қувватлаш назарда тутилади.

Бизнингча, мафкуравий хавфсизликни таъминлашда давлат ва нодавлат ташкилотлари асосий этиборни миллий ғоя тарғиботига қаратишлари зарур. Одатда муайян ижтимоий тарғибот, уни оқловчи ва унга хизмат қилувчи ғоялар, мафкуралар индивид онгига таъсир қилиб унинг дунёқараши, қадриятлари ва хулқи-атворида у ёки бу, яъни салбий ёки ижобий жараёнларни келтириб чиқаради. Чунки қусурлар йиллар давомида ўзбекистонликларнинг онгига хатти-харакатига киритилиб борилган эди. Зотан индивид ижтимоий муҳитда мутлоқ эркин бўла олмаган. Шундай экан, узоқ ҳукумронлик қилган тоталитар тарғибот бизнинг онгимиз ва тафаккуримизни ҳам заҳарлади. Хайриятки, ҳалқни, миллатни йўқ қилолмади.

Нима учун кишилар онги ва қалби учун кураш турли мафкураларнинг бош мақсадига айланиб қолди? Гап шундаки, муайян ғоя том маънода ғоя бўлиши учун кишилар онгини эгаллаши, тўғрироғи уларнинг қалбидан жой олиши шарт. Акс ҳолда у ёки бу ғоя фақат муайян хабар ёки ахборот сифатида сақланиб қолади, холос. Бошқача айтганда, омборхонадаги кераксиз буюмлар каби онгимизнинг бир четидан жой эгалаб ётавериши мумкин. Бир

сўз билан айтганда, бундай ҳолатда ғоя шахс учун ҳеч қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлмайди. Ғоя фақатгина инсон қалбини эгаллаганда, инсон маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айлангандагина ҳаракатга даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучга, ҳаракат учун қўлланмага айланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда.

Миллий ғоя одатда ҳар бир халқ учун улкан пойдевор, таянч бўлиши билан бир қаторда қандайдир уни доимо уйғоқликда, сергакликда сақлаб туради. Шу нуқтаи назардан, уни аждодлар ва авлодларни, ўтмишни ва бугунимизни, аллақачон тарихнинг зарварақларига йўғдирилган шон-шуҳратли давлатни бугун билан, бугуннинг серкирра ва сермахсул ташвишлари билан боғлаб турувчи занжир деб атасак тўғри булади. Аждодлар ва авлодлар ўртасида ришта давом этса, улар бир биридан бохабарликда бўлади. Бу аснода абадий барҳаёт миллий ғоянинг “хроносоциомаданий” роли беқиёс Айнан шу миллий ғоя тизими, унинг чексиз уммони орқали аждодлар ва авлодлар бир бири билан чинакамига боғланиб туради. Миллий ғоя бутун бир миллатнинг, қолаверса шу гўшада яшаб келаётган барча халқларники. Миллий ғоя Ўзбекистон сингари азалдан кўпмиллатли давлатда одатда бир миллат, хусусан туб миллат манфаатлари ва барқарорлиги доирасидан чиқиб *умумхалқ ғоясига* айланади.

Миллий ғоя устувор даражада тарихнинг аччиқ синовларидан ўтган қадриятлардан иборат десак ҳато қилмаган бўламиз. Демак миллий қадриятлар том маънода миллий ғоя доирасида шаклланади ва шу тарзда унинг манфаатлари ва хавфсизлиги таянчига айланади. Шундай экан қадрият нима? Агар биз уни миллий тараққиёт ҳамда миллий хавфсизлик контекстида қарашни ихтиёр қиладиган бўлсак, унда миллий қадриятлар қуйидагиларни акс эттиради.

Ўз кадр-қиммати, ор-номуси, бугуни ва истиқболи йўлида собитқадам турган давлат учун, жоиз бўлса «XXI аср демократик салиб юриши» нари борса навбатдаги бир жиддий синовдан бошқа ҳеч нарса эмаслиги,

Ўзбекистон мисолида яна бир қарра исботини топди. Эътиборга молик томон шундаки, Андижонда рўй берган 2005-йил 13-14 май фожиалари ноанъанавий бир тенденцияни кутилмаганда юзага чиқарди. Гап бир қарашда бири бирига тамомила ўхшаши бўлмаган жаҳоний таҳдидлар - бир томондан, - халқаро диний радикализм ва иккинчи томондан, «рангли инқилоблар»нинг зудлик билан яқинлашиши, яъни кутилмаган жиҳатлар касб этиши билан боғлиқ нохуш тенденция тўғрисида бормоқда. Ва унинг реаллик эканлигини чуқур англаш дуруст бўлади. Чунки ҳар доим бир бирига ўзаро қарама-қарши бўлиб келган душман кучлар вақтинча умумий манфаатлар доирасида муваққат ва сирли келишувларга эришганлигидан кўхна тарих гувоҳлик бериб келган. Бундай «бир маротабалик» шартномалар, келишувлар айниқса бугун унчалик ноёб бўлмай қолди. Аниқлик мақсадида фақат мутахассисларгагина маълум, «Вашингтон консенсуси» деган глобал лойиҳа атрофида турли сиёсий ва молиявий кучларнинг умумий тил топишганлиги эслашнинг ўзи етарли эканлигини хулоса ўрнида айтишни истар эдик.

Шундай кезларда, муҳим бир савол, аниқроғи дилемма чиқиб келади. У ҳам бўлса, миллий ғояга устуворлик бериш билан глобал интеграцион жараён ўртасидаги уйғунлик муаммоси қай тарзда ечимини топиши муаммосига бориб тақалади. Масалага глобал фалсафий нуқтаи-назардан қараш жоиз бўлса, у ҳолда улар ўртасида бирорта бир зиддият кўрмаймиз. Маълумки бугун дунё миқёсида юқорида зикр этилган умумсайёравий тенденциялар шундайки, уларни тўхтатиб бўлмайди. Демак улар бир бири билан ўзаро зиддиятга боришмасдан, балки бири иккинчисига йўл очиб бериши керак. Уларни бири бирига қарама-қарши бўлган ҳаракат эмас, балки бир йўлнинг икки йўлагидаги ёнма-ён ҳаракат деб қараш мавриди келди. Ўзбекистон ҳам ушбу умумсайёравий жараёндан холи бўлолмас экан, ўзбекистонликларнинг дунёни тасаввур этиши, орзу умидлари, режалари иккинчи бошқа жараён билан уйғунлашиши энг мақбул, хавфсиз йўлдир.

Хуллас, бу масалага ечим топишга ҳаракат қилиб кўрсак. Гап шундаки, дунёда хавфсизлиги таъминланмаган деб ҳисобланган евроатлантика

мамлакатлари, маълумки, чуқур ғоявий, қадриятий ва мафкуравий кризисга дуч келмоқда. Ўз ўзидан улкан харбий ҳамда иқтисодий имконияти уларнинг барқарорлигини ва хавфсизлиги учун тўла қафолат бўлармикин. Маънавий қадриятларни (ватанпарварлик, юртга ва оилага содиқлик, фарзандлар келажагини ўйлаб иш кўриш ва ҳ.к.) Менсимасдан фақат моддиятга таяниб миллий хавфсизликни таъминлаш мумкинмикин. Йўқ. Бу ҳақда Европанинг буюк инсонлари ҳам такрор ва такрор ташвишланиб гапиришган. Ўзбекистонимиз жойлашган Шарқ олами, ҳар доим маънавий қадриятларни сақлаб қоладиган бирдан бир макон бўлиб келган. Бугун ҳам шундай бўлмоқда. Бизнинг барқарорлигимиз, тараққийтимиз ҳамда хавфсизлигимизнинг замири ҳам айнан шу миллий ғоядек буюк маънавий қудратда деб биламиз.

Маълумки жамият тараққиётига хизмат қилувчи мафкуралар турли мафкуравий ташкилотлар, алоҳида шахслар ҳамда мафкуравий тарғибот-ташвиқотнинг турли усул ва воситалари билан кишилар онгу шуурига сингдирилади. Одатда мафкура институтлари жамиятда ҳукмрон мафкурани кўллаб-қувватлаш учун тузилган давлат тузилмаларидир. Улар қаторига мафкуравий тарғибот ишларида фойдали бўлган муассасаларни ҳам киритиш мумкин. Француз олими Луи Пьер Альтюссер ўзининг “Давлат мафкуравий аппаратлари” асарида (1970 й.) ушбу мафкуравий ташкилотлар ишининг мазмуни ва амалиётига яқин бўлган “давлат мафкура аппаратлари” тушунчасини киритади. У бу борада оила аппарати, ҳуқуқий, сиёсий, коммуникацион, диний, таълим ва бошқа аппаратларни қайд этади. Улар орасида марказий роль, унинг фикрича, таълим тизимига тегишли. Шунингдек, Л.П.Альтюссер муҳим мулоҳазани илгари суради: “Ҳеч бир синф ўзининг ҳукмрон мафкурасига эга бўлмас экан, давлат мафкуравий аппаратлари ёрдамида давлат ҳокимиятини узоқ вақт ушлаб туролмайди”.¹⁶

Бироқ, бу борада мафкура ва унинг қуйидаги хусусиятлардан келиб чиқиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

¹⁶ Альтюссер Л.П.

- мафкуранинг ўзи – яратиладиган, яшайдиган ва йўқолиб кетадиган динамик, ўзгарувчан ҳосиладир;
- одамлар, мафкуралар ворислари мафкуравий ташкил қилувчиларни аста-секин ижтимоийлашув жараёнида тўплаб боради, бунда баъзиларини сақланиб, баъзилари эса мафкура таркибидан чиқариб ташланади;
- “ижтимоий онгда бир-бирига қарама-қарши, бир-бирини истисно этувчи, бир-бирига мувофиқ келмайдиган йўналишлар қайд этилади ва мавжуд бўлишда давом этади. Ушбу ҳолатда нафақат жамият, нафақат ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар, балки инсоннинг ўзи ҳам шахс сифатида ўз онгида ноёб зиддиятли ходисани ифодалайди ва у кўп жиҳатдан мамлакатнинг бугунги қиёфасини гавдалантиради.

Парадокс шундаки, айнан инсонда, шахсда, алоҳида индивидда ана шу қарама-қаршилик мужассамлашган, чунки у бир вақтнинг ўзида бир-бирини истисно этадиган фикрларга, уларнинг ўзининг ва жамиятнинг ҳаёти учун кадрли эканлигига ишонади. Бундай ёндашув кўплаб кишиларнинг онги ва хулқ-атворини тавсифлаш имконини беради, бу аввалига ўзи билан ўзининг курашида намоён бўлади, кейин эса бутун жамият доирасига ёйилади. Одамлар бир вақтнинг ўзида ҳам ўзидан, ҳам воқеликдан батамом қарама-қарши йўналишларда қочишга ҳаракат қилади¹⁷.

Шахснинг дунёқараши, ғоявий тарбияси, унинг тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар мажмуи дастлаб оилада шаклланади. Шу маънода, оила энг муҳим мафкуравий тарбия омили ва муҳитидир. Бинобарин, миллий ғоямизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва онгига, аввало, оила муҳитида сингади.

Оилада сақланиб келаётган муқаддас анъаналар ёшларда миллий ғоянинг муҳим қирралари бўлган Ватанга муҳаббат, имон-эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмга иштиёқ ва маданият кўникмалари шаклланади. Зеро, ҳар бир фуқаро оиланинг жамиятдаги ўрни

¹⁷ Амирова Г. Мафкуравий тарбия маскани. Мутсаҳҳам оила жамият тараққиёти асоси / Илмий амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: 2012. –Б. 253

ва вазифасини, Ватаннинг остонадан бошланишини тушунмасдан туриб, ўзини мукаммал инсон деб ҳис қила олмайди.

Ёш авлод тарбиясида халқ ва юрт тақдири учун фидоийлик туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган билим ва амалий кўникмаларни шакллантиришда мафкуравий тарбия муҳим ўрин тутди. Бунинг учун бола ҳаётининг дастлабки йилларидан бошлаб, уни нарсалар олами билан таништиришнинг миллий анъаналаримизга хос шакллари кўллаш лозим. Оилада шарқона одоб ва башариятнинг эзгу интилишларини акс эттирувчи муносабатлар, ўйинлар, ўйинчоқлар, расмий китобчалар, миллий эртақлар болаларда мафкуравий қарашларнинг тўғри шаклланишида кўл келади.

Мафкуравий курашлар даврида фарзандлар тарбиясига лоқайдлик энг катта маънавий йўқотишларни келтириб чиқаради. Айни пайтда бу иллат эртага жамият учун катта ва кичик иллатларнинг пайдо бўлиши, илдиз отишига сабабчи бўлиши мумкин. Турли бузғунчи оқимларга, ғарб модаси, мусиқа ва киносига эргашаётган, тақлид қиладиган ёшларнинг ҳолати ҳам айни иллатнинг ҳосиласидир.

Бизнингча, оила институтининг мафкуравий хавфсизликни таъминлашдаги иштироки борасида оила аъзоларининг, айниқса, ота-онанинг ролини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ўринда авваламбор, ғоявий саводхонлик даражаси, ғоявий иммунитет масалалари муҳим ўрин тутди. Чунки, ғоявий курашнинг моҳияти, ғоявий хуружларнинг кўринишларини англаш, оқибатларини теран тушуна олиш кўникмалари кишида муайян даражадаги тизимлашган билимлар бўлишини тақозо қиладиган.

2.2. Ижтимоий-сиёсий барқарорлик – миллий тараққиёт мезони

Маълумки, жамиятда ғоявий беқарорликка чек қўйиш, мафкуравий бўшлиқни тўлдириш, мафкуравий таҳдиднинг олдини олиш, мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш билан боғлиқ масалалар жамият ҳаётининг бир тарихий босқичидан иккинчисига ўтиш даврида жиддий аҳамият касб этади.

Дунёда ранг-баранг дунёқарашлар, турли миллий, диний, сиёсий оқимларнинг ўзига хос ғоялари мавжуд. Уларнинг баъзилари ўзаро уйғун ҳолда бир-бирларини тақозо этса, айримлари бир-бирига мутлақо зиддир. ғоялар, мафкуралар кураши натижасида дунёнинг айрим минтақаларида оммавий қирғинлар, фожеалар юз бераётган бўлса, бошқа ҳудудларда баъзи давлатларнинг юксак даражада ривожланаётганини кузатиш мумкин. Демак, ҳар қандай давлат ёки мамлакатнинг тақдири кўп жиҳатдан мафкуравий муаммоларнинг қандай ҳал қилинишига ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон ҳам бугун муайян мафкуравий муаммоларни ҳал қилиш йўлида самарали ишларни олиб бормоқда. Бу аввало мустабид мафкура асоратларини бартараф этиш, миллий тараққиётга хизмат қиладиган, халқнинг дунёқарашига мос бўлган соғлом мафкурани шакллантириш билан боғлиқдир. Зеро, Президентимиз уқтиргани каби: "Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ бўлса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас".

Мамлакатимизда демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларининг шаклланиши ҳақида фикр юритар экан, Президент Ислам Каримов жамиятнинг демократиялашувини узоқ муддатли жараён сифатида баҳолайди, демократия ғояларини шунчаки баён қилиш, юқоридан тушириш билан уни одамларимиз ҳаётига сингдириб бўлмаслигини уқтиради. «Демократия, — деб таъкидлайди И.А.Каримов, — жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас. Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир»¹⁸.

¹⁸ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1998. —160-бет.

Демократияни жамиятнинг устувор кадриятига, унинг барқарор тараққиёти омилига айлантириш учун адолатли жамият орзуси йўлида инсоният тўплаган тажриба ва амалиётни муттасил ўзлаштириш зарур. Бунда шарқона демократия тамойиллари таянч бўлиб хизмат қилади.

Аммо инсон табиати зиддиятлидир. У бошқалар интилишларига тескари бўлган интилишларга эга бўлиши ва шу вақтнинг ўзида ўзгалар билан ҳамкорликка мойил бўлиши мумкин. Инсон табиатига хос ана шу қарама-қаршилик унинг жамиятдаги ҳаёти ва хатти-ҳаракатларини ҳам белгилайди. Одамлар, бир томондан, шахсий эркинликка интилсалар, иккинчи томондан, ижтимоий тенгликни талаб қилишга мойил бўладилар. Одамлар ўз манфаатларини кўзлашлари билан бирга, умумижтимоий манфаатларга ҳам интиладилар. Аммо бу қарама-қарши тенденцияларни, шахсий манфаат билан жамият манфаатларини қандай қилиб мувофиқлаштириш мумкин? Жамият бу муаммонинг ечимини демократия механизмларини ишга солиш орқалигина топа олади. Айнан демократия ва умумий манфаатлар вобасталиги ижтимоий муносабатларни мувозанатга келтиришга хизмат қилади. Демократия доимий кутб: **«зиддият — келишув — бирдамлик»** орқали ўзига йўл очар экан, кишиларнинг ўзаро розилиги, келишувига таянади. Гап шундаки, демократия — бу ёлғиз ўз мақсад ва талабларини амалга ошириш воситаси бўлмай, балки ўзаро муносабатларнинг мақбул қоидаларига риоя этишдир. Умуминсоний, хусусан, демократик кадриятларга таянган миллий ғоя ана шу кутбий интилишларни мувофиқлаштириш орқали умумий манфаатларни ўзида ифода этади.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти йилларида шу нарса аниқ исботини топдики, озод ва фаровон ҳаётни барпо этишнинг асосий омилларидан яна бири — барқарорликдир. Сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамиятида барқарор ривожланиш концепцияси кенг оммавийлашмоқда. Хусусан, БМТ ҳужжатларида ҳам барқарор тараққиёт олий кадрият сифатида талқин қилиниши баробарида унинг универсал хусусиятлари, турли моделларининг кучли ва заиф томонлари таҳлил этилади.

Мутахассислар орасида барқарорлик деганда, демократик тузилмаларнинг тез ўзгарувчан ижтимоий жараёнларга нисбатан акс таъсир кўрсата олиш қобилияти тушунилади. Бунда барқарорлик демократиянинг вазифаси деб қаралади, у ўзига кишиларнинг фуқаролик жамияти институтлари воситасида давлатни бошқаришдаги иштирокини ҳам ўз ичига камраб олиши зарур. «Кучли давлатдан — кучли жамиятга ўтиш» қондаси ҳозирда демократик институтларни жорий этишни жадаллаштириш, жамиятдаги ижтимоий барқарорлик жамоатчиликнинг фаоллигига асосланиши зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўз ўрнида айтиб ўтиш жоизки, «барқарорлик» тушунчаси кўплаб ёндашувларни ўзига жамлаган. Уларни қуйидаги кўринишда умумлаштириш мумкин: а) жамиятда ноқонуний зўрлик ва куч ишлатиш таҳдидининг бўлмаслиги; б) бирмунча узоқ вақт давомида бир ҳукуматнинг амал қилиши, унинг ўзгарувчан шароитга самарали тарзда мослашувчанлиги; в) конституцион тартибнинг барқарорлиги; г) легитим ҳокимиятнинг барқарор мавжудлиги; д) сиёсий тизимда тузилмавий ўзгаришларни бошқариш имкониятининг мавжудлиги; е) сиёсий кучларнинг мувозанати ва бошқалар.

Фикримизча, бундай хусусиятлар демократлашув жараёнини бошдан кечираётган жамиятларга хос умумий меъёрлардир. Аммо умумийлик доимо хусусийликдан таркиб топади. Бизнинг мамлакатимизда барқарор тараққиёт, унинг асосий омиллари ва шартлари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида батафсил келтирилган. Мамлакатимизнинг барқарор тараққиёти мавжуд шарт-шароит билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилган ва унинг шартлари кўрсатилган. Булар: а) маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши; б) давлатчиликни шакллантириш ва муҳофаа қобилиятини мустаҳкамлаш; в) демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш; г) бозор муносабатларининг

қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши; д) кучли ижтимоий сиёсат ва аҳоли ижтимоий фаоллигининг ортиши¹⁹.

Бир сўз билан айтганда, барқарорлик бирор-бир сиёсий объект ёки институтнинг ҳолатинигина эмас, балки ички ва ташқи муносабатлар тизимини ҳам ифодалаш зарур. Ижтимоий-сиёсий барқарорлик демократик тартиб билан бирга узвийликни, давомийликни ҳам талаб этишини айтиб ўтиш зарур.

Шундай қилиб, барқарор тараққиёт, мафкуравий хавфсизликни таъминлаш бошқарув тизимини, фуқаролик тартибини, бошқарувнинг қонунийлиги ва ишончлилигини ифодаловчи ижтимоий-сиёсий барқарорлик шароитидагина амалга оширилиши мумкин. Ўз навбатида демократик тараққиёт озод ва обод Ватан барпо этиш йўлини таъминлайди.

Демократик жараёнлар самараси фақатгина сиёсий институтларга эмас, фуқароларнинг ушбу жараёнларда иштирок этишига ҳам боғлиқ. Сиёсий ҳаётдаги иштирок демократик тартибот ва жараённинг муҳим мезони бўлиб, унда сиёсий субъектларнинг сиёсий муносабатлар ва ҳокимият тизимига жалб этилганлиги даражаси айниқса, сайловлар жараёнида яққол кўзга ташланади. Шу маънода, демократия жамиятда сайловчилар овози учун ошқора, барчанинг кўзи олдида ҳалол рақобатга киришишни ва аҳолининг кенг гуруҳларининг сиёсий жараёнга «киритилган»лигини тақозо этади.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ғояси эркинлаштириш, эркин меҳнат фаолияти ва тадбиркорликни ривожлантириш жараёнлари билан ҳам узвий боғлиқ. Чунки боқимандалик ёки сохта «умумий тенглик» ғоясига асосланиб, эркин ва фаровон ҳаёт қуриб бўлмайди. Дунёдаги бирорта жамият бу йўл билан фаровон ҳаётга эришган эмас. Эркин иқтисодий фаолиятга асосланган бозор иқтисодиёти учун хос бўлган эркин ва соғлом рақобат муҳитида ўрта мулкдорлар қатлами шаклланиб боради. Бу эса ўз навбатида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришнинг социал негизи ҳисобланади.

¹⁹ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1998. —160-бет.

Ўрта ижтимоий қатлам — бу ўз шахсий мулки, яъни турар жойлари, шахсий транспорт воситаларига эга бўлган, ўз оиласи ҳаётини муносиб тарзда таъминлай оладиган, ўзининг ва оила аъзоларининг фундаментал эҳтиёжларини (таълим олиш, дам олиш, сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш) қондириш учун етарли моддий имкониятлари мавжуд бўлган, маънавий ҳаёти мазмунли бўлган ва энг муҳими — бу имкониятни ўз иш ҳақи ва даромадлари эвазига таъминлай оладиган ҳамда фаол равишда жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этадиган фуқаролардир.

Жамиятнинг айнан ўрта қатлами миллий бойликнинг асосий қисмини яратади, давлат қармоғида боқимандаларча кун кечирмайди ва жамиятнинг “умуртқа суяги” ни ташкил этади. Бундай қатламнинг шаклланиши, шунингдек, жамиятнинг кескин табақалашувиغا — ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймайди. Жамиятда турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини уйғунлаштириш, фуқаролар бирдамлигини таъминлаш асосида умумий фаровонликни ўрнатишнинг энг синалган воситаларидан бири ҳам жамиятда ўрта қатламни барпо этиш эканлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг шаклланиб бориши жараёнида даромадлари, турмуш даражаси ва сифатига кўра бир-бирларидан фарқланувчи қатламлар шаклланмоқда. Бу табиий ҳол. Аммо бундай ҳолатни ҳамма ҳам тўғри баҳолайвермайди. Бунга айрим шахсларнинг бойликка ружу қўйиши, очкўзлик, исрофгарчилик, ўзаро ёрдам ва қариндош-уруғчиликнинг ижобий жиҳатларини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилишдек иллатлар ҳам сабаб бўлмоқда. Бунга айримлар учун ҳаёт тарзига айланган таъмагирлик, порахўрлик, тўрачилик каби жирканч қиёфага кираётган ҳолатларни қўшадиган бўлсак, ҳалол меҳнат кишисининг руҳий изтиробларини тушуниш қийин эмас. Шу маънода, Президентимизнинг бозор механизмларини ҳаётга татбиқ этиш билан бирга, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва бунда маънавий асос бўлиб хизмат қиладиган ахлоқ нормаларини ҳам ижтимоий ҳаётда кенг ёйиш тўғрисида куюниб гапириши

бежиз эмас. Унинг қалб сўзлари адолатли жамият қуришга нисбатан халқимизнинг интилишини ифодалайди.

Ҳозирда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тараққиётини барқарор тараққиёт манфаатлари асосида йўлга қўйишнинг назарий-амалий ва илмий асосларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Айниқса, ижтимоий жараёнлар ривожини олдиндан кўра билиш, уни прогнозлаш, зарур ўзгартиришлар киритиб, уларнинг самарасига гувоҳ бўлгач, тажрибаларни кенгроқ кўламда татбиқ этиш кўзланган мақсадга олиб келиши мумкин.

Шундай экан, ҳозирги даврда ижтимоий жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини олдиндан башорат қилиш, ислохотлар учун ўта муҳим йўналишларни лойиҳалаштириш, моделлаштириш катта аҳамиятга эга. Зеро, уларнинг натижалари ва хулосалари ислохотни юритиш сиёсатида катта ёрдам беради.

Биз интилаётган барқарор тараққиётга эришишда инсонларнинг турмуши яхши бўлиши, маълумотли бўлишлари, ҳалол даромад топа олишлари, ижтимоий таъминотга боғланиб қолмасликлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Муҳими, фаровон ҳаётга эришиш учун одамлар эркин меҳнат маҳсулининг «таъмини» тоғиб кўришлари, ҳалол йўл билан юқори даромад қилиш ҳадисини олишлари зарур. Фуқароларнинг иқтисодий эркинлигининг ошиши эса уларнинг сиёсий эркинлигини ҳам юксалтиради, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаоллаштиради.

Ўзбекистон фаровон жамият қуриш йўлида аниқ натижаларга эришмоқда. Шу ўринда инсоннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролининг миллий ва умуминсоний мезонларини англаш муҳим. Бунинг яна бир жиҳати шундаки, демократик тараққиёт йўлига ўтган ва ўтаётган мамлакатларда инсоннинг жамиятдаги ўрни масалаларига қарашда туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Инсоният тараққиёти тўғрисида сифат жиҳатдан янги концепциялар ҳам қарор топдики, бу жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборига сазовор бўлди.

Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, иқтисодий юксалиш ва инсоний тараққиёт ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Одамларга сарфланадиган инвестициялар одамларнинг ўзига керакдир. Ўзига тўқ, соғлом аҳоли, яхши таълим олган ва малакали ишчи кучи жамият юксалишида асосий омил ҳисобланади. Халқаро экспертларнинг ҳисобларига кўра, иқтисодий самарадорликнинг 60 фоизи инсон омили воситасида ва қолган 40 фоизи табиий капитал аталмиш захиралар (ер ости бойликлари ва б.) ва техник капитал — машиналар, жиҳозлар ва ҳ.к. эвазига таъминланади. XXI асрда инсон омилини сафарбар қилмай ижтимоий тараққиётга эришиб бўлмайди. Инсоният тараққиёти муаммоларини сиёсат марказига қўйиш механизмлари йирик мутахассисларни ўйлантирмоқда. Бу соҳада йирик ўзгаришлар юз бериши керак. Янги аср учун тараққиёт стратегиясини танлашда инсон учун, унинг имкониятларини очиш учун, яъни инсонни ривожлантиришга мамлакатимизда алоҳида эътибор берилмоқда.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон салоҳияти аввалгидан ҳам кўп аҳамиятга эга бўлмоқда. Даромадни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда энг юқори даражага эга бўлган дунё давлатлари орасида табиий захиралари ниҳоятда кам давлатлар оз эмас (Япония, Швейцария, Дания). Шу вақт-нинг ўзида табиий захираларга ўта бой мамлакатлар (Россия, Бразилия, Аргентина) аҳоли жон бошига ҳисоблаганда паст даромадлар даражасига эга. Демак, мамлакат тараққиёти меҳнат кишисининг яратувчилик кучини сафарбар этишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳар бир жамият аъзосининг ҳиссаси эвазига мамлакатнинг юксалиши мумкинлиги Германия, Япония, Жанубий Корея, Хитой тажрибасидан маълум.

Узоқ муддатли даврда иқтисодий юксалиш ва инсоний тараққиёт йўналишлари бир-бирига мос келса ҳам, бу алоқа ҳар бир мамлакат учун давлат сиёсатига боғлиқ бўлади. Айрим мамлакатлар пухта ўйланган давлат сиёсати туфайли аҳоли соғлиғини сақлаш, таълим даражасини ошириш ишида иқтисодий юксалишдан олинган самарадан фойдаланишда катта ютуқларга эришмоқда. Ўзбекистон ҳукумати бу йўналишдаги кўпгина

дастурларни эълон қилди ва уларни амалга оширмоқда. Бу эса мустақиллик шароитида инсон ислохотлар учун эмас, ислохотлар инсон учун хизмат қилиши, инсоннинг жамиятга муносабати унинг жамиятда ўз ўрнини топишига боғлиқлигини теран англашга олиб келади. Демак, инсон омили асосида фаровон ҳаётга эришилади. Бугунги кунда бу ҳам миллий ғояда акс этаётган кадриятларимиздан биридир.

Президент И.А.Каримовнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз» деган чақириғининг заминида бой мазмун мужассам. Бунда бугунги ютуқларимиздан фахр туйғуси ҳам, эркин бунёдкорлик фаолиятига чорлов ҳам, мамлакатимизнинг буюк келажагига ишонч ҳам ўз ифодасини топган. Лекин бу, аввало, ёшларимизга, ўсиб келаётган авлодга ғамхўрлик, меҳр-муҳаббат, уларнинг куч ва имкониятларига катта ишонч-ни англатади. Мустақиллик даврида ҳар бир ёшнинг қобилиятлари ва имкониятларини намоён қила олишлари учун тўлиқ имкониятлар яратиш том маънода давлат сиёсатига айланди. Бунда ёшларни жисмонан бақувват, маънан баркамол, ақлан юксак, руҳан уйғоқ авлод қилиб тарбиялаш миллат ғояси сифатида илгари сурилди. Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишдан тортиб болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантиришгача бўлган барча кенг миқёсдаги ислохотларнинг мақсади ҳам шунга қаратилган.

2.3. Мафкуравий хавфсизликни таъминлаш - ислохотлар самарадорлиги омили

Мустақиллик миллий кадриятлар, маданият ва анъаналарни, маънавиятни тиклаб, одамларимиз қалбида миллий ғурур ва ифтихор ҳамда ватанпарварлик туйғуларини камол топтиришга замин яратди. Шунингдек, мустақиллигимизнинг ўзига хос мафкурасига айланган миллий ғоя минг йиллар давомида шаклланиб, сайқалланиб келган миллатимиз маънавияти сарчашмаларидан, бутун инсоният тўплаган тажриба ва кадриятлардан озик олади.

«Бу соҳадаги энг асосий вазифамиз, — деб таъкидлайди Президент Ислон Каримов, — миллий кадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошлаган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир. Лекин турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос мақсадларини уйғунлаштирувчи ғоя — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати — барчамиз учун бирдек муқаддас бўлиши шарт. Том маънода мана шундай олижаноб туйғулар миллий ғоя ва миллий ғоямизнинг маъно-мазмунига, мана шу юртда яшайдиган ҳар қайси инсоннинг ҳаёт дастурига айланишига эришиш даркор»²⁰.

Истиқлол йилларида юртимизда маънавий-маърифий ишлар давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бирига айланди. Бугун мустақилликка эришганимизга йигирма йилдан ошаётган бўлса, ўтган давр мобайнида бу масала ҳеч қачон эътибордан четда қолгани йўқ. Бу бежиз эмас. Чунки дунёдаги турли сиёсий кучлар ўртасида манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган бугунги даврда маънавият соҳасидаги ёндашувларни муттасил янгилаб, такомиллаштириб боришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Соҳани ривожлантириш мақсадида биргина маънавият ва маърифат тузилмаси мисолид амалга оширилган амалий ишларнинг ҳуқуқий негизи қуйидаги фармон ва қарорларни ўз ичига олади.

Бу соҳадаги илмий-амалий, тарғибот-ташвиқот ишларини замон талаблари асосида кучайтиришда Президентимиз томонидан 2006 йил 25 августда имзоланган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарорнинг аҳамияти айниқса беқиёсдир. Қарорда аввало маънавий-маърифий ишларни теран таҳлил этиш, уларни танқидий баҳолаш, бу борадаги аҳволни тубдан яхшилаш масаласи

²⁰ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 341-342-бетлар.

ўта долзарб вазифа қилиб қўйилган. Ана шу зарурат асосида Республика Маънавият ва маърифат кенгаши таркибига жиддий ташкилий-амалий ўзгартишлар киритилди.

Демократик жараёнлар ривожининг самарали кечиши ва демократик кадриятларнинг фуқаролар томонидан чуқур англаниши ҳамда жамиятда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун демократик жараёнларни бошқаришни ва ҳаётга татбиқ қилишни ҳамда уларни химоялаш зарурлигини жамиятнинг ўзи англаши муҳимлиги тўғрисидаги Президентимизнинг фикрлари муҳим аҳамият касб этади. Қайд этилган мақсадларга эришишда мафкуравий ишларга жиддий эътибор қаратиш эса бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Ғояларнинг мутлақлаштирилиши давлатнинг ва давлат раҳбари бўлган яқка шахсларнинг мутлақлаштирилишига олиб келади. Натижада бундай шахслар ўзларини нуқсонлардан холи, танқиддан юқори деб ҳис эта бошлайдилар. Бу эса жамият ва давлат орасида бегоналашувни юзага келтиради. Натижада, тоталитар ғоя ҳукмронлик қилиб, турғунлик юз беради. Маддоҳлар, ахлоқий нопок одамлар мансабларни эгаллаб, соғлом фикрни бўғадилар. Бундай шароитда иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт тўхтаб қолади.

Ўзбекистоннинг мустақил мамлакат сифатидаги мавжудлиги унинг миллий давлатчилиги тараққиёти билан биргаликда олиб қаралгандагина мазмун-моҳиятга эга бўлади. Тарихий тажрибалар айнан ўтиш даврида давлатнинг ислохотчилик роли бениҳоя катта бўлишини тасдиқламоқда. Шу маънода, мустақил Ўзбекистон давлатини халқимизнинг иродаси ва руҳини ифодалайдиган, унинг бирлигини таъминлашдаги ўрни беқиёсдир.

Ана шундай шароитда миллий ғоя муҳим аҳамиятга эга бўлади, у демократик кадриятларнинг халқ онгига сингиши ва жорийланишига замин яратади ва буни қуйидагиларда ифодалаб бериш мумкин:

Биринчидан, миллий ғоя — бу ҳар бир шахс ва бутун жамиятга тегишли ғоядир. Миллий ғоя фикрлар ва мафкуралар хилма-хиллигига асосланади; миллий ғоя — жамият мафкураси, давлат мафкураси эмас;

Иккинчидан, миллий ғоя негизида ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуси ётади. Демак, миллий ғоя ва миллий тараққиёт, юрт ривожига ҳамоҳанг тарздаги муштарак ғоялардир. Шу нуқтаи назардан ҳам Юртбошимизнинг “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш — пировард мақсадимиз” деган ҳикматли сўзида маъно кўп. Бу жумлада мустақилликнинг абадийлиги, демократик эркинликлар, Ватан равнақи, ҳар бир фуқаро ҳаётининг фаровонлашуви кўзда тутилади.

Учинчидан, миллий ғоя ҳеч нарсани, жумладан давлатни ҳам, алоҳида шахсларни ҳам илоҳийлаштиришни назарда тутмайди, балки халқнинг энг эзгу ҳис-туйғулари, интилишларини ифодалаб, бунёдкорлик ишларига рағбатлантиради.

Тўртинчидан, миллий ғоя аллақандай тоталитар хусусиятга эга мафкура эмас, у бирон бир шахс ишлаб чиққан ва зўрлаб жамиятга тиқиштираётган ёки тепадан туширилган “ягона ғоя” ҳам эмас. У халқнинг ўз тафаккури меваси бўлиб, миллий-маънавий негизга таянади²¹.

Бешинчидан, миллий ғоя умумбашарий фикрлар, илмий ютуқларни жамлаб сингдиришни ҳам кўзда тутаяди. Европа мутафаккирларидан бири К.Гельвеций ёзишича, “Ватанга муҳаббат бутун дунёга муҳаббат билан мувофиқ келади. Илму маърифат нуридан баҳраманд бўлган ҳар бир халқ бу билан ўз қўшнилариغا зарар етказмайди. Аксинча, давлатлар қанчалик маърифатли бўлсалар, улар ўзаро ғоялар, билимлар алмашишга мойил бўладилар ва оқибатда шу туфайли бутун дунё ақли ортиб бораверади”. Шу боис миллий ғоя мамлакатни яққалаб қўяди, тараққиётни сусайтиради, дегувчилар хато қилади.

Шундай қилиб, миллий ғоя — ҳуқуқий давлат қуриш ва миллий ривожланиш локомотиви. Турган гап, бунда давлатчилик ғояси, давлат ва

²¹ Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти / муаллифлар жамоаси. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2007. –Б. 368.

унинг раҳбарига ҳурмат, миллий давлат салоҳияти билан фахрланиш ҳам муҳим ўрин тутди. “Бу — менинг халқим, бу — менинг “Ватаним”, деб фахрланган одам “Бу — менинг давлатим” дея фахралана олиши ҳам керак. Давлат бир организм сифатида ўзини такомиллаштириб, демократик жамиятни ташкил этувчи куч сифатида ҳар доим миллат равнақига раҳнамо бўлиб туради.

Дарҳақиқат, барча даврлар ва халқлар мутафаккирлари бахт-саодат келтирадиган тузум ва ғоялар ҳақида орзу қилиб келганлар. Бу ҳақда кўплаб мутафаккирларимиз қарашлари тўғрисида кўп ва хўп гапириш мумкин. Лекин биргина Форобий қарашлари мисолида бахт-саодатга, фаровонликка жамият аҳли қандай эришади, деган ғоянинг миллий ғоямизда акс этган жиҳатларига тўхталиб ўтиш жоиз.

Форобий фикрига кўра, ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интиланган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шу маънода, Форобий фикрига кўра, ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган жамият фозил жамиятдир.

Абу Наср Форобий «Талхису Наволиси Афлотун» («Афлотун қонунлари моҳияти») асарида фозил жамият концепциясини баён қилишни қонунлар ҳақида фикр юритишдан бошлайди. Буюк мутафаккирнинг фикрига кўра, инсоннинг хавфсиз яшаши учун биргина фаровонликнинг ўзи етишмайди. Инсон жасорати эса ташқи урушдаги жасорат эмас, балки одамларнинг ўз иллатлари устидан ғолиб келиб, тинчликни таъминлашларидир²². Демак,

²² Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: «Абдулла Қодирий номидаги Халқ меъроси нашриёти», 1993. —8-бет.

инсонларнинг ўзаро муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган ҳаракатидан фаровон жамият сари интилишнинг илк босқичи келиб чиқади.

Фаробийнинг қарашларига кўра, «энг мушкул иш — қонунни жорий қилишдир. Қонунга шубҳа билан қараш ҳамда қонун устидан арз қилиш эса энг осон ишдир.» Бугунги ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида бу каби ўғитларнинг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, унинг қонунга ҳурмат билан қарашнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлари эътиборга молик. Буюк аллома шундай деб ёзади: «Қонуннинг ўзи ўз ҳолича олийжаноб ва юқори мартабали бўлиши керак ва унинг номидан ҳамда у (қонун) ҳақда нимаики гапирилса ҳам мўътабар ҳисобланиши лозим... Халқ қонунларга эҳтиёж сезиши ва уларни чуқур ўрганиши зарур, чунки улар кейинчалик халқнинг ўзига фойда келтирадилар. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди»²³. Демак, Фаробий ҳар қандай одамда ҳам таҳсинга лойиқ инсоний қувват ҳам ҳайвоний куч мужассамлигини таъкидлаган ҳолда қонун айнан таҳсинга сазовор инсоний қувватни ривожлантиришга қаратилган бўлиши зарурлигини уқтиради. Шаҳарнинг ҳамма аҳолисига келганда, агар улар таҳсинга сазовор қувват касб этишга кучлари етмаса, йўл кўрсатувчи қонун соҳибларининг адолатларига бўйсунуши керак бўлади.

Фозил жамият ҳақидаги тасаввурларни бугунги кунда фуқаролик жамияти деб номланаётган кадриятлар тизимига кўп жиҳатдан мослигини кўраимиз. Хусусан, унинг асосий мезонларидан бири бўлган қонунларни жорий қилиш муаммоси ҳам бундан мустасно эмас. Унинг фикрига кўра, чинакам қонун ўрнатувчи янги қонун қабул қилаётганида мамлакатдаги барча табақалар, авлодларга, вилоятлар аҳолисига бахт-саодат, шод-хуррамлик, эркинлик ва фаровонлик келтиришини ҳисобга олади. Қонун турли-туман феъл-атвор ҳамда хислатларга эга бўлган одамлар хайрихоҳлик билан кутиб олишига арзийдиган бўлиши зарур²⁴.

²³ Ўша манба, ўша бет.

²⁴ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: «Абдулла Қодирий номидаги Халқ меъроси нашриёти», 1993. —24-бет.

Маълумки, Форобий фозил жамиятнинг асосий хусусияти деб бахт-саодатга интилишни тушунади ва бахт-саодатга интилмайдиган жамиятни жоҳил жамият деб баҳолайди. Бахт-саодат эса олий даражадаги эзгулик бўлиб, унга соғлиқ, гўзаллик, бойлик каби қадриятлар етаклайди. Жоҳил ва адолатсиз одамлар учун эзгулик йўқ ва улар бахтга эриша олмайдилар. Улар учун ҳатто ҳаёт ҳам бир кулфатдир. Мутафаккир фикрига кўра, саодатга оқиллик ва унга ҳамиша интилиб яшаш орқали эришиш мумкин. Шундай экан, қонун мустаҳкам руҳ ва оқил идрок тарбиясига йўналтирилгандагина фаровонлик томон етаклайди. Демак, раҳбар халқ, оммани тарбиялашга, унинг руҳи ва идрокини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоғи зарур.

Бугунги кунда биз барпо этаётган жамиятнинг олий мақсадларидан бири инсонларнинг фаровон ҳаётини таъминлашдир. Жамиятни бошқаришда одамларни фароғатда яшашга имкон берувчи, бирдамликка етакловчи, интизомни шакллантирувчи қонунларни яратиш айни биз қўзлаган мақсадга хизмат қилади. Шунга боғлиқ тарзда айтиб ўтиш жоизки, XX аср бошларида озод юрт қайғусида яшаган Абдулла Авлоний бу ҳақда шундай деган эди: «Интизом деб қиладурган ибодатларимизни, ишларимизни ҳар бирини ўз вақтида тартиби ила қилмакни айтилур. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди. Инсонлар бир дақиқа яшолмас эдилар... Алҳосил, ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси ишларини вақтида низомдан чиқармай тартиб ила юритмакга боғлиқдур... Ишларини тартиб узра юритган кишиларнинг ишлари ерида, ўзлари тинч ва роҳатда умр ўтқарурлар»²⁵.

Ўз юртлирини озод ва обод кўришни орзу қилган жадид зиёлилар ҳам ғоявий тарбия масаласига алоҳида эътибор қилганлари бежиз эмас эди. Яна бир бор Авлонийнинг Форобий фикрларига ҳамоҳанг мулоҳазаларига эътибор берайлик. «Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинчи ва роҳати — ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдур». Кўриниб турибдики, Форобий ва Авлоний турли даврда яшаганликларига қарамай, одамларни эркин ва фаровон жамиятга тарбия орқали етаклашга даъват қилганлар.

²⁵ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. – Т.: “Маънавият”, 1998. —52-53-бетлар.

Форобий ғоясига кўра, фозил жамият фақатгина одамлар жамоаси борлиги учунгина фозил деб аталмайди, балки адолатли қонунларга ва бошқарув қоидаларига риоя қилгани, доно раҳбарга эга бўлишга, одамларнинг таҳсинга лойиқ одатлари ва ахлоқини рўёбга чиқаришга шарт-шароит яратган жамият бўлгани учун ҳам фозилдир.

Хуллас, фаровон жамият ғояси мустақил ва барқарор тараққиёт йўлига кираётган жамиятлар учун икки хисса кадрлидир. Шу маънода, унинг умуминсоний жиҳатларига, демократик моҳиятига улкан эътибор берилаётганлиги табиийдир. Президент Ислон Каримов миллий ва умуминсоний кадриятларга таянган ҳолда озод ва обод Ватан, демократик жамият қуриш жараёнига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратаётгани ҳам шундан. Чунки мамлакатимизда фаровон, илғор жамият барпо этиш — мақсад, амалга оширилаётган ислохотлар восита бўлиб, жамиятимизда ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий барқарорлик, ўз навбатида, ислохотлар учун шарт-шароитдир.

Айни пайтда мафкуравий хавфсизликни таъминлаш учун мафкуравий ишларни илмий-услубий жиҳатдан тўғри йўлга қўйиш устида тинмай бош қотириш бугунги кунда зиёлийларнинг олдида турган ўта масъулиятли вазифадир. Бу борада олиб борилаётган барча ишларнинг самарадорлигини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш, шунингдек, мавжуд камчиликларни бартараф қилиш ҳамда уларнинг янада самаралироқ услубларини жорий қилиш бўйича доимий ишловчи механизмларни ҳар жабҳада йўлга солиш талаб қилинади. Бу борада шундай даражага эришишимиз лозимки, мафкура соҳасида амалга оширилаётган ҳар бир ташкилий-тарғибот ишлари аниқ бир мақсадга йўналтирилган бўлиб, уларга сарфланадиган вақт ҳамда унинг олинадиган самараси олдиндан режалаштирилган бўлмоғи керак. Шундай экан, катта моддий харажатлар эвазига, қандай натижа чиқиши ҳам олдиндан маълум бўлмаган, баъзан эса фақатгина “кампаниявозлик” асосида ўтказиладиган маросим ва тадбирлардан бутунлай воз кечиш керак.

Функционал жиҳатдан ўзини оқламаган тизим ва воситаларга барҳам берилиши муттасил жараён бўлиши керак.

Жамиятимиз тараққиётининг бугунги кундаги вазифалари ва йўналишлари нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқимизнинг миллий истиқлол ғоясини жамиятимизда чуқур ва мустаҳкам қарор топтириш давримизнинг энг долзарб ва энг юксак вазифасига айланди. Миллий ғоя ва уни халқимиз онги ва тафаккурига сингдириш масаласи биз учун ҳаёт ва мамот масаласидир.

Ҳозирги кўп кутбли дунё қийинчиликлар ва мураккабликлар билан шаклланаётган бир пайтда, дунё миқёсидаги ғоялар ролининг ошиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз. Сайёрамизда янгича халқаро тартибот шаклланаётган бугунги кунда мафкура омилига талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Зеро, Республикамиз Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: "Бугунги кунда инсоният кўлида мавжуд бўлган курул-яроғлар ер куррасини бир неча бор яқсон қилишга етади, буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин, ҳозирги замондаги энг катта хавф инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда, ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим".

Демак, ғоя ва мафкуранинг сиёсийлашуви тенденцияси кучайиб бораётган бугунги мураккаб замонда ҳар бир мустақил мамлакатнинг жаҳон сиёсий ва иқтисодий маконида ўзининг муносиб ўрнини мустаҳкам эгаллаши ва ўз келажагига ишонч билан қарай олиши учун жамиятнинг мафкуравий хавфсизлиги, унинг аъзоларида мустаҳкам ғоявий эътиқод масаласини тўғри ҳал қила олиши лозим. Инсоният тарихий тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, масаланинг нечоғлик муҳим эканлигига амин бўламиз. Тарихдан бизга маълумки, кўпгина мамлакатларнинг охир-оқибатда таназзулга юз тутишига жамиятда мавжуд бўлган ғоявий парокандаликлар сабаб бўлган. Бунда ғоявий парокандалик жамиятни бошбошдоқликка олиб келган, жамият

Ўзининг аниқ муддаосини англаб ета олмаган ва натижада ҳалокатли, таҳдидли ҳолатга тушиб қолган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, жамиятимиздаги мавжуд тизимлар, ташкилотлар фаолиятини миллий истиқлол ғоясини ҳар томонлама чуқур қарор топтириш вазифасига бўйсундиришимиз керак. Афсуски, мафкура тарғиботчилари ҳам кўп ҳолларда фақат миллий ғоянинг долзарблиги ва зарурлигини асослаш билан овора бўлмоқда. Ваҳоланки, гап уни одамлар онгига чуқур сингдириш масаласи ҳақида бормоқда. Жамиятимизда мафкуравий хавфсизликни шакллантиришнинг энг самарали чора-тадбирларини, услуб ва воситаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни кечиктирмай ҳал қилиш лозим. Демак, мафкуравий хавфсизликни шакллантириш вазифасига ягона бир тизим сифатида ёндашмоқ зарур. Мазкур тизимга таълим ва тарбия муассасалари билан бир қаторда бошқа ташкилотлар, илм-фан тизими, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, ҳокимият тизимлари ва вазирликлар ҳам бевосита масъул бўлишлари керак. Ушбу долзарб ва давомли вазифани бажаришда услубий ёндашув муаммосини тўғри ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, мафкуравий тарғибот воситаларини қўллашдан олдин ёшлар жамоаси бўладими, меҳнат жамоаси бўладими ёки туман, вилоят аҳолиси, уларнинг ўзига хос интеллектуал, ижтимоий жиҳатларини, онглилик даражасини албатта ўрганиб чиқиш ва ҳисобга олиш зарур. Бу ўринда гап мафкуравий хавфсизликни таъминлаш жараёнига танланма ёндашиш зарурлиги ҳақида бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, инсонлар ва умуман жамият тафаккурида мустақиллигимизнинг меваси ва буюк келажагимизни таъминловчи, мамлакатимизни турли ғанимлар таҳдидларидан кучли ҳимоя қила олувчи миллий истиқлол ғоясини қарор топтириш ва уни мустаҳкам эътиқод даражасига кўтариш ишига бир хил қолипдаги услублар билангина ёндашиш ва улардан самарали натижалар кутиш жуда катта хато бўлар эди. Шунинг учун ҳам мафкуравий хавфсизлик ишлари самарадорлигини таъминловчи

услуг ва воситалар устида тинмай бош қотириш, изланишлар олиб бориш ҳамда уларни амалиётга кечиктирмасдан тўғри татбиқ қилиш устувор вазифага айланмоғи керак. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий истиқлол ғоясини шакллантириш жараёнида бирваракайига икки муҳим масалани ҳал қилишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Биринчи ва асосийси, бу мустақил Ватанимизнинг порлоқ келажаги, кучли ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилиш, озод ва обод Ватан, фаровон ҳаётни вужудга келтиришдек улуғ мақсадга қаратилган кучли эътиқодни қарор топтириш.

Иккинчиси, бу мафкуравий тарбия воситасида ёшларда кучли мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва диний экстремизм, ақидапарастлик ва умуман ёт ғояларга қарши мафкуравий қуроллантиришдан иборатдир.

Демак, бу ҳолатнинг ўзи ғоявий-маърифий ишларда услубий жиҳатдан кенг қамровли ёндашишни, услубий йўналишлар хилма-хиллигини тақозо этади. Бундай услубий ёндашувлар, йўналишлар ўзининг маълум бир аниқ предметига ҳам эга бўлиши мумкин. Яъни, умумий мақсад миллий истиқлол ғоясини шакллантиришдан иборат бўлса, бу жараёнга хизмат қилувчи турли жиҳатларга алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Чунинчи, миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда муҳим компонентлар ҳисобланган миллий ғурур, виждон, ориятни уйғотиш ўзига хос услубларни тақозо этса, ватанпарварлик ва миллатпарварлик тарбияси самарали бўлиши учун алоҳида ёндашув зарурдир.

Бугунги кунда мамлакатимиз хавфсизлигига нисбатан мафкуравий хавф-хатар омилининг фаоллашиб бораётгани, унинг бевосита таҳдид даражасига кўтарилиши шароитида, жамиятимиз ёшлари тафаккурида мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш миллий истиқлол ғоясини шакллантириш вазифасининг энг муҳим ўзаги ҳисобланади. Ушбу соҳадаги ишларимиз натижалари маълум даражада

умуман мафкуравий ишларимиз самарадорлигини белгиловчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда, масаланинг яна бир муҳим жиҳатига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Гап шундаки, жамиятда мафкуравий хавфсизликни таъминлаш бевосита демократик ҳуқуқлар, айниқса, конституцион ҳуқуқ нормаларининг ёшларимиз томонидан юқори даражада англаниши жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Президентимиз таъбири билан айтадиган бўлсак, "Эндиги энг долзарб вазифамиз - бу жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги-янги қирраларини мукаммал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бериш ва уларни янги ҳаёт, замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришдан иборат"²⁶.

Мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва шакллантиришдек мураккаб вазифани адо этишда ҳар қайси миллатнинг энг илғор вакиллари, керак бўлса, мутафаккирлари, халқ ва Ватан равнақи йўлида ўз ҳаётини бағишлайдиган фидойи зиёлилари меҳнат қилишлари лозим. Муаммога унинг барча томонларини икир-чикиригача тушунган ҳолда зукколик, самимийлик ва пок ният билан ёндашмоқ зарур. Бу ўринда буйруқбозлик, маъмурийчилик, бюрократизмга йўл қўйиш зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини бир лаҳза ҳам унутмаслигимиз керак. Бу борада айниқса, ҳокимият тизимлари эҳтиёт бўлишлари керак. Минг афсуски, ҳали ҳам, ишни жон куйдириб ташкил қилиш ўрнига, кабинетдан туриб биргина оддий буйруқ билан масалани "осонгина" ҳал қилиб қўя қолишга уринаётган раҳбар ходимлар йўқ эмас. Бизнингча, мафкуравий таҳдидлар, ғоявий хуружлар, мафкуравий хавфсизликни таъминлаш масаласида расмиятчиликка йўл қўйиб бўлмайди.

²⁶ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2000. 24-27 б.

Бугунги кунда мафкуравий тарғибот ва ташвиқот ишларига бутунлай янгича шижоат билан киришиш зарур экан, авваламбор соғлом мулоқот маданиятини шакллантиришнинг услуб ва воситаларини аниқлаб олиш зарур. Унда одамларнинг ёши, ижтимоий ҳолати, фикру хаёллари, орзу-интилишлари чуқур қамраб олинган бўлиши керак. Ана шундагина, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, ёшларимиз қалбига йўл топа оламиз. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёшларга кўпинча хаддан зиёд кўп панд-насихат қилиш билан овора бўлиб қолмоқдамиз. Оддийгина “ундай бўл, бундай бўл” кабилидаги сийқаси чиққан панд-насихатлар хаддан зиёд кўпайиб кетганлиги боис, ёшлар уни кўпинча дашном сифатида қабул қилаётганликларини ва бунинг оқибатида уларнинг ижтимоий бепарқлиги, агар бу янада чуқурлашса, нотавонлик ҳолатига тушиб қолиши мумкинлиги хавфини ҳам бугун тўғри баҳолашимиз керак.

Ёшларимиз тафаккурини миллий истиқлол ғояси билан қуроллантириш устуворлик касб этаётган экан, биринчи навбатда, уларда эркин шахс маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши биладиган, мустақил фикрга эга бўлган ёшларда мустаҳкам эътиқод шаклланиши мумкин.

ХУЛОСА

Мазкур битирув-малакавий ишида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Бугунги кунда мафкуравий кураш тобора кучайиб борар экан, мафкуравий хавфсизлик, бу мафкуравий кураш маконида яшаб қолиш ҳар бир мамлакатнинг асосий мақсадларидан бирига айланади. Президентимиз Ислом Каримов ибораси билан айтсак, булар стратегик муаммолар бўлиб, ҳар қандай мустақил давлат, энг аввало ана шу муаммоларга эътибор бериб келган ва бундай буён ҳам эътибор беражак.
2. Мафкуравий хавфсизликни таъминлаш учун жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, ўзининг пировард мақсадларига мос ва унга хизмат қиладиган ғоялар тизимини шакллантириш, уни муттасил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш керак. Агар жамиятда уларнинг бирортасида заифлик кузатилса, бу жамиятда мафкуравий муаммолар кучайиб бораверади.
3. Глобаллашув шароитида турли хил мафкура марказлари ва полигонларининг Ўзбекистонга “қизиқиши” ва мамлакатимиз фуқароларидан “қурол” сифатида фойдаланишга интилишларида мафкуравий хавфсизлик учун реал ташқи таҳдидлар мавжудлигини кўрсатади. Шунингдек, қўшни давлатлардаги терроризм, диний экстремизм ва мавжуд сиёсий беқарорлик ҳам мамлакатимиз мафкуравий хавфсизлигига ўз таъсирини ўтказади.
4. Ўзбекистон Республикасида давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари, маданий-маърифий муассасалар томонидан амалга оширилаётган тарбиявий ишлар, маънавий-маърифий тадбирлар тизими мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг зарурий шартидир. Мамлакатимизда мафкуравий хавфсизликни илмий асосланган ижтимоий сиёсатга, ҳуқуқий маданиятга, жамиятнинг маънавий етуқлиги ва демократиялашувига узвий равишда амалга ошириладиган ғоявий тарбияга таянади. Жамият, давлат ва шахс мафкуравий хавфсизликни таъминлаш – давлат сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади

5. Ҳар қандай барқарор жамиятнинг ижтимоий тузилишини ташкил этадиган элементлар фаолияти ўзаро уйғунлиги доимий барқарорлик омилидир. Бунда давлат жамиятнинг энг кичик бўғинлари, жамоалар, ташкилотлар, идоралар орасидаги мутаносибликни сақлаш ва мустаҳкамлай олса, у жамиятни барқарор ривожланишини таъминлайдиган бошқарувчи (регулятор) вазифасини адо этади.

6. Жамият барқарорлиги ва яхлитлигининг таянчлари бўлмиш иқтисодиёт, сиёсат, социал муносабатлар ва маънавий соҳаларда барқарорлашиш жараёни заифлашса, яъни беқарорлаштирувчи тенденциялар меъёрдан ошса, у ҳолда одатдагидан кўра кучлироқ ижтимоий таранглашиш юзага келади. Тарихнинг турли паллаларида юқорида келтирилган тизимлардан бирида ёки бўлмаса бирваракайига барчасида барқарорлашиш заифлашиш ҳолатлари кузатилганки, бугунги босқич ҳам ундан мустасно эмас.

7. Дунёда ҳудудларни мафкуравий жиҳатдан бўлиб олиш билан боғлиқ вазият юзага келди. Бу вазият буюк давлатчилик шовинизми, диний экстремизм, тажовузкор миллатчилик каби мафкуравий таҳдидларда намоён бўлмоқда. Бундай вазиятда фақатгина кучли, халқ иродасини ўзида акс эттирган ғояларгина мамлакатни, жамиятни ёт ғоялар таъсиридан, мафкуравий тазйиқлардан муҳофаза қила олади.

8. Мафкуравий хавфсизликнинг функциялари давлатнинг мафкуравий сиёсатида ўз аксини опади. Бунда у муайян ғоявий қарашлар тизимини одамлар онгига сингдириш, зарарли маънавий – мафкуравий таъсирлар, турли кўринишдаги тазйиқларнинг олдини олишга қаратилган услуб ва воситалар ҳамда уларни ишлаб чиқиш, тартибга солиш ва бошқариш билан боғлиқ фаолият сифати амалга ошади

9. Бизнинг тараққиёт моделимизда давлат барча соҳаларидаги ислоҳотларда бош ислоҳотчи сифатида майдонга чиқади. Жумладан, у жамиятда маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий ишларда ҳам бош ислоҳотчидир. Нодавлат ноижорат ташкилотларининг ижтимоий

функциялари, фуқароларнинг турли эҳтиёжларини кондирришга қаратилган фаолият йўналишлари ҳам ранг-баранглиги, фуқаролик жамиятнинг асосий институтларига, кенг аҳолини ўз атрофига бирлаштирган, жамиятнинг бутун тизимларига, институтларига таъсир этадиган, ҳатто «келажакда давлатни ўз назорати остига оладиган» бўлгани учун мафкуравий хавфсизликни таъминлашда катта имкониятларга эга.

10. Шахснинг дунёқараши, ғоявий тарбияси, унинг тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар мажмуи дастлаб оилада шаклланади. Шу маънода, оила энг муҳим мафкуравий тарбия омили ва муҳитидир. Бинобарин, миллий ғоямизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва онгига, аввало, оила муҳитида сингади ҳамда жамиятда мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омилидир.

11. Бугунги кунда жамиятимизда мафкуравий хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишлари олиб борилаётган конкрет ижтимоий объектга нисбатан танланма (дифференциал) ёндашув устувор бўлмоғи кераклигига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ана шунда амалга ошираётган ишларда юқори самарага эришиш мумкин. Бу борада, биринчи навбатда, мафкуравий тарғибот ишлари олиб бориладиган ижтимоий объектга хос бўлган барча жиҳатлар қуйидаги хусусиятларига кўра чуқур ўрганилиши зарур:

а) ижтимоий ҳолати ва мавқеи, ёши, миллати, касби, яшаш жойи (шаҳар, қишлоқ, маҳалла, кўп қаватли уйлар), маълумоти, оилавий аҳволи ва ижтимоий келиб чиқишига кўра;

б) ижтимоий фикри ва дунёқараши, тафаккур тарзи, билим даражаси, шаклланган ижтимоий муносабатлар ҳолатига кўра;

Мафкуравий хавфсизликни таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар ва вазифаларда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

а) замон нуқтаи назаридан: халқимиз онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириб бориш, фуқароларни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишдек мақсадлари сари сафарбар қилиш, жамиятда

мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ўтиш даврига хос бўлган объектив воқеликни ҳисобга олган ҳолда демократик кадриятларни аҳоли тафаккурида камол топтириш, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва сиёсий фаоллигини кучайтириш, ўтиш даври ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш чораларини излаб топиш масаласига жиддий эътибор бериш;

б) яшаш жойининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатларига, шу жумладан, аҳоли турмуш тарзига эътибор қаратишдан иборат.

Кейинги вазифа эса, мазкур чора-тадбирлар тизимини бевосита ҳаётга татбиқ қилишдан иборат бўлади. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, амалий татбиқ қилиш жараёнини ҳал қилиш масаласига бу борада ниҳоятда пухта тайёргарлик кўрилгандан сўнггина ҳамда тегишли моддий ва маънавий воситаларни ҳал қилган ҳолда ёндашиш зарурдир.

Жамиятимизда юксак даражадаги мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг мукамал механизминини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда кўзда тутилган асосий мақсадлар аниқ ва мутлақо тушунарли тарзда таърифланган бўлмоғи лозим. Жумладан, бу борада ҳозирги вақтдаги бош вазифалар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, эркин шахс маънавияти ва мустақил тафаккурини шакллантириш;

иккинчидан, ғояга қарши ғоя билан, фикрга қарши фикр билан, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга кириша оладиган авлодни тарбиялаш;

учинчидан, жамиятимизда кучли мафкуравий иммунитетни, жамиятимизнинг барча аъзолари, айниқса, ёшларда юксак ватанпарварлик туйғусини шакллантириш;

тўртинчидан, жамиятимизда миллий истиқлол ғоясини юксак кадрият даражасига олиб чиқиш;

бешинчидан, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган миллий кадриятлари асосида миллий ўзликни англаш жараёнини ривожлантириш;

олтинчидан, мамлакатимизда демократик қадриятларнинг чуқур илдиз
отишига ёрдам бериш, аҳолининг сиёсий фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий
маданиятини юксалтириш;

еттинчидан, мамлакатимиз ва халқимизнинг ҳамжиҳатлигини
мустаҳкамлаш, жамиятимизда мустаҳкам ҳамжиҳатликни қарор топтириш.

ФОДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Қонунлар, бошқа ҳуқуқий-сиёсий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2011. 40 б

II. Китоблар ва рисолалар

2. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, –Т.: Ўзбекистон, 1996. 364 б.
3. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 380 б.
4. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 366 б.
5. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд, – Т.: Ўзбекистон, 1996. 349 б.
6. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 384 б.
7. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, –Т.: Ўзбекистон, 1998. 429 б.
8. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 410 б.
9. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, – Т.: Ўзбекистон, 2000. 528 б.
10. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд, –Т.: Ўзбекистон, 2001. 432 б.
11. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд, –Т.: Ўзбекистон, 2002. 432 б.
12. Каримов И. А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд, – Т.: Ўзбекистон, 2003. 320 б.

13. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд, –Т.: Ўзбекистон, 2004. 400 б.
14. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 448 б.
15. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2006. 280 б.
16. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2007. 320 б.
17. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида 16-жилд – Т.: Ўзбекистон, 2008. 368 б.
18. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
19. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 278 б.
20. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 360 б.
21. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010. 56 б.
22. Каримов И.А.Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. 440 б.
23. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. –Т.: Академия, 2007. 252 –б.
24. Касимов Н. Мустақиллик: курашлар даври. – Т.: Фан. 2001. –214 б.

25. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислам Каримов тарафдорларининг танқидий мулоҳазалари. – Т.: Ўзбекистон, 2001. –366 б.
26. Левитин Л., Дональд С. Карлайл. Ислам Каримов – Президент нового Узбекистана. -Т.: Узбекистан, 1990. – 144 с.
27. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти / Қ.Н.Назаров, И.Эргашев ва бошқалар. –Т., Ғафур Ғулом нашриёт матбаа ижодий уйи нашриёти, 2007.
28. Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти / Ш.И. Пахрутдинов, Т.А. Жўраев ва бошқалар. –Т., Ғафур Ғулом нашриёт матбаа ижодий уйи нашриёти, 2008.
29. Пахрутдинов Ш.И. Таҳдид ҳалокатли куч. – Т.: Академия, 2001. - 319 б.
30. Шермухамедов С. Биз қандай жамият қурмоқдамиз? –Т.: Ўзбекистон, 1999. –40 б.
31. Шермухамедов С. Роль культуры межнационального общения в социальном прогрессе. –Т.: Маънавият, 1998. –24 с.
32. Жалолов А. Мустақиллик маъсулияти (сиёсий-фалсафий таҳлил). –Т.: 1996. –204 б,
33. Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. –Т.: Шарқ, 1998. –144 б.,
34. Жумаев Р. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. –Т.: Фан, 1996. –208 с.,
35. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000. – 80 б.,
36. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Олий таълим муассасалари учун тажрибавий қўлланма) -Т.: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти»-2003 й.
37. Миллий истиқлол ғояси (Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11 синфлари учун ўқув қўлланмаси) -Т.: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти»-2004 й.

38. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат) –Т.: “Янги аср авлоди” – 2001
39. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. –Т.: Ўзбекистон, 2004. –134 б.
40. Тангриев Л. Мустақиллик ва жамоат ташкилотлари. –Т.: Янги аср авлоди, 2000. –78 б.,
41. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. –Т.: Шарқ, 2001. –192 б.,
42. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Т.: Шарқ, 2000. 688 - б.
43. Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият/ А.Эркаев; Масъул муҳаррир:С.Ш.Шермухамедов. - Тошкент: Маънавият, 2002. - 240 б.
44. Жўраев Н. Ғоявий иммунитет ёки маънавий халоскорлик туйғуси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2001. - 64 б.
45. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-марифий асослари/ Масъул муҳар. З. Хусниддинов; ЎзР Вазирлар маҳкамаси, Тошкент ислом ун-ти. - Тошкент: Тошкент ислом университети, 2005. - 176 б.
46. Миллий ғоя ва маънавий тараққиёт тамойиллари/ ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси,ЎзР Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологиялар маркази. - Тошкент: Академия, 2005. - 56 б.
47. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт модели/ А. Эркаев; Масъул муҳаррир Р. Қўчқоров. - Тошкент: Маънавият, 2005. - 192 б
48. Эркаев, А. Маънавият ва иқтисодиёт/ А.Эркаев. - Қарши: Насаф, 2000. - 32 б.
49. Эркаев, А. Миллий ғоя моҳияти: Маъруза матни/ А. Эркаев; Масъул муҳаррир:А. Болиев; Респ. маънавият ва маърифат кенгаши. Миллий мафкура илмий тарғибот маркази. - Тошкент: Маънавият, 2000. - 31 б
50. Баубекова, Г.Д. Истиқлол ғояси асосида ёшлар маънавиятини

шакллантириш - Тошкент: Фан, 2004. - 124 б.

51. Темур тузуклари. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1991. –124 б.

52. Расулов Ф., Ҳасанов С., Шодиев Н.Т. Демократик ислохотлар орқали фуқаролик жамияти сари. –Т.: 2004. –92 б.

53. Саидов А.Х., Жузжоний А. Шарқ цивилизацияси: инсон ва ҳуқуқ (ўтмиш ва ҳозирги замон). –Т.: Адолат, 2005. –262 б.

54. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1993. –224 б.

55. Форобий Абу Наср, Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. –Т.: Ёзувчи, 2002. –86 б.

56. Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси.-Т.: Академия, 2008, -Б.31.

57. Комиллик ўғитлари/ Тузувчилар: М.Х.Саидов, З.Т.Тоҳиров; ЎЗР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси "Устоз" жамғармаси. - Тошкент: Молия, 2003. - 96 б.

58. Назаров Қ. Гоялар фалсафаси, -Т., 2011.,

59. Умарова Н. Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига қарши кураш. -Т.: Академия, 2005.-103 б

60. Маънавий асосий тушунчаларнинг изоҳли луғати // муаллифлар жамоаси. –Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2009.

61. Ўзбекистонда маънавий юксалиш –демократик жамият қуришнинг муҳим омили.Т.: ЎЗМУ, 2002.

62. Ўзбекистон: динлараро ҳамжиҳатлик – тинчлик гарови. –Т.: 2005. – 132 б.

63. Ўзбекистонда миллий давлатчилик назариясининг тарихий-фалсафий ва ҳуқуқий асослари. –Т.: 2005 – 176 б.

64. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар. –Т.: 2004. – 212 б.

65. Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. –Т.: «Академия», 2000. –146 б.

III. Рўзнома ва журналлардаги мақолалар

66. Бобоев Ҳ. Инсон ҳуқуқи ҳар нарсадан азиз //Тафаккур, 1997, 10-сон. – 10-13 б.
67. Тожиев У. Сўз эркинлиги: фалсафий-ҳуқуқий аспект. //Давлат ва ҳуқуқ, 2000 – 1-сон. –57-59 б.
68. Тошев Б. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари //Ҳуқуқ-Право-Law, 2002, 4-сон. –51-55 б.

IV. Диссертация ва авторефератлар

69. Ачилдиев А.С. Миллий истиқлол ғояси – миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш омили. Фалсафа фан...доктори дисс. Автореферати. –Т.: 2004.-44 б.
70. Собирова З.Жамият маънавий ҳаёти янгилашнинг бадиий-эстетик омиллари: Фалсафа фан. номзоди дис...Автореф. - Тошкент, 2004. - 21 б.
71. Шайманова А.Э. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишида ўрта мулкдорлар синфининг ўрни ва роли. Фалсафа фан...дисс. автореферати. –Т.: 2005. – 19 б.